ЎзССР Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР
24 ЯНВ 1993

Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 20 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

№ 5 (6516).
Баҳоси 4 сўм.

Долзарб мавзу

ЗАҲМАТКАШ ЎҚИТУВЧИЛАРИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

Жумҳориятимизнинг барча вилоятларида қишнинг қирчиллама палласи ҳукм сурмоқда. Бироқ бу кимга яхши, кимга эса... Ҳўш, айни шу кунларда мактабларда аҳвол қандай кечмоқда? Ана шу савол билан Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани ҳокими Жўра Алибоевич Менглибоевга мурожаат қилдик. Аввало, ҳоким ҳақида икки оғиз сўз. Жўра ака шу тумандаги С. Бойматов номли жамоа хўжалигида таваллуд топган. Мактабни битиргач, Тожикистондаги политехника институтини тугатиб, Сурхондарёнинг турли туманларида мутахассислиги бўйича узоқ йиллар ишлаган. Икки йилдирки, у Қумқўрғон тумани ҳокими. Мактаблар, умуман, таълимнинг барча тизими билан узвий боғланиб туради...

— Илм даргоҳларини қишга тайёрлаш, мавсумнинг яхши ўтишига имкониятлар яратиш фақат мактабдагиларгагина эмас, балки кенг жамоатчиликка ҳам боғлиқ бўлса керак шундай эмасми, Жўра Алибоевич?

— Мен мактабларсиз ўзимни тасаввур этолмайман. Чунки мактабда туманимиз, юртимиз келажаги камол топмоқда. Шу боис кунда бўлмаса-да, кун ора айрим мактабларнинг шароити билан танишиб бораман, камчиликларни ўз вақтида ҳал этиб, ютуқлар бўлса, муаллимлар қатори биз ҳам фахрланамиз. Энди тайёргарлик масаласига келсак, мавжуд 61 та илм даргоҳининг барчасида ҳам шароитлар яратилган. Кўмир, суюқ ёқилғи ва ҳоказолар ўз вақтида етказиб берилмоқда.

— Республика Президентининг фармонига кўра, ўқувчиларни иссиқ овқат билан таъминлаш кўзда тутилган. Пишиқчилик пайтида бунинг кенг имкониятлари мавжуд эканлиги сир эмас. Бироқ қишда-чи? Бу масала қандай ҳал бўлаяпти?

— Тўғрисини айтганда, бизда бу муаммо эмас. Негаки, маҳсулотларни сақлагич бисотимиздаги барча жамоа хўжаликларида мавжуд. Ёз ойларидаёқ бунинг ғамини ғамлаб қўйибмиз. Айни кунда деярли барча мактабларда ўқувчилар тўлиқ иссиқ овқат, сут-қатиқ билан таъминланмоқда. Яна бир нарса, ўзингдан чиққанига нима етсин, дейишганидек, мактабларга тарқатилаётган маҳсулотнинг ҳаммаси туманимиздан чиқади.

— Жўра ака, анъанага айланган яна бир савол. Муаллимларнинг иҳтимоий шароитларини яхшилаш борасида ҳам бир қатор фармонлар чиққанидан хабарингиз бор. Сиз раҳбарлик қилаётган туманда бу масалага қандай аҳамият берилаяпти?

— Ўтган икки йил давомида туманимиздаги ер участкаларига муҳтож бўлган меҳнаткашлар қаторида 700 нафар муаллимнинг ҳам эҳтиёжи қондирилди. Шунингдек, 450 нафар педагог томорқа билан таъминланиб, керакли қурилиш материаллари етказиб берилди. Бу ишда, айниқса, жамоа хўжаликларимиз яқиндан ёрдам бердилар.

Гап фақат ўқитувчини моддий таъминлашда эмас, балки унинг қадри, обрўсига ҳам аҳамият беришдадир. Ахир биз ёки тумандаги айрим кишилар эмасмиди, бир пайтлар ўқитувчини қадрсизлантирган. Биз токи бу масалага жиддий эътибор бермас эканмиз, келажак пойдеворини қура олмаймиз. Мен бунга амин бўлиб, ўз кузатишларимдан келиб чиқиб айтаяпман.

Энди таълим-тарбия масаласида ҳам ўз қарашларимни айтаман. Кўпчилик отаоналар фарзанд тарбиясини мактаб жамоасига юклаб қўйишади. Натижада айрим жойларда, ўқувчилар ўртасида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодисалар келиб чиқаётганлиги сир эмас. Тўғриси, бизнинг туманда ҳозирча ҳаммаси яхши десам, муболаға бўлмайди. Чунки ҳокимият йиғинларида мактаблардаги аҳвол жиддий ўрганилиб, кенг жамоатчилик илм масканларини оталиққа олишган. Прокуратура, ички ишлар, ташкилотлардан ходимлар бориб ўқувчилар билан тез-тез мулоқотлар ўтказишади.

— Ўқув йили жараёнида ҳокимият мактабларга яна қандай амалий ишлар қилиб беришни режалаштирган?

— Улар жуда кўп: қўшимча синфхоналарни тезроқ битказиб бериш, имконияти борича компьютер билан илм даргоҳларини таъминлаш, аълочи ўқувчилар сонини кўпайтириш. Энг муҳими, туманда мактаб-лицей ташкил этаяпмиз, уни тезроқ ишга тушириш, шунингдек, кетадиган харажатларни ҳокимият ўз зиммасига олиши каби ишларимиз мана шу ўқув йилига мўлжалланган.

Булардан ташқари, жиддий ўйлаб қаралганда, туманимизда ўқитувчиларнинг дам олишлари, даволанишлари учун кўзга кўринарли бирор даргоҳ йўқ ҳисоби. Яқинда ҳокимиятнинг кенгайтирилган мажлисида ана шу масалага алоҳида эътибор қаратилди ва қурилиш ташкилотларимиз яқин кунлар ичида ишга киришиш арафасида турибдилар.

Нима бўлганда ҳам ўқитувчиларимизга қанча хизмат қилсак камлик қилади. Ахир улар халқ фарзандини тарбиялайди, таълим беради. Баски шундай экан, биз қўл қовуштириб турсак, инсофдан бўлмас.

Сўзимнинг охирида туманимиз педагоглари қатори ёшлар таълим-тарбияси йўлида заҳмат чекаётган барча педагогларга ишларида омад, сиҳат-саломатлик тилайман. Ўқитувчилар бор экан, жамият, унинг пойдевори — келажак, албатта, шаклланишига шубҳа йўқ...

— Ташаккур, Жўра Алибоевич!..

Муаллим суратига чизгилар

Инсон ўзи танлаган умр йўлининг келажаги нурафшонлигига қалбан ишонсагина қатъий қароргa келиши керак экан. Негаки, ёшликда кўнгил қўйган касбингга бўлган иштиёқ ўткинчи ҳам бўлиши мумкин.

Эргаш ака ҳам бу борада анчайин ўйлаб, унинг қалбини сурурга тўлдириб, қилган меҳнатидан қониқишни фақатгина муаллимликдан олишини ҳис этди. Шу-шу бўлди-ю, ҳаракатлар бошланди. Аввало, яъни 1959 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида таҳсил олишни тамомлади. Сўнгра, пойтахтдаги А. Ҳидоятов номли 173-мактабга тил ва адабиёт муаллими сифатида қадам босди.

— Ўша ҳаяжонли ҳамда масрур онларнинг ҳам ортда қолганига мана 39 йил бўлибди, — дея эслайди Эргаш Азаматов. — Ҳозирда юзига қора чапланаётган 70 йиллик тарихни бутунлай инкор этиш ярамайди. Ахир одамга инсонийликни ўргатадиган адабиёт, бутун ҳис-туйғуларни бировларга етказишда асқотадиган тил ҳақидаги тушунчалар бир оз сиёсатга қоришилиб берилган бўлса-да, ўқувчилар онгига сингдирилган.

Албатта, Эргаш акадек муаллимлар борлиги учун, биз шунчалик миллат сифатида мавжуд бўлиб қолганлигимизга шукр қилишимиз керак. Ҳозир ҳам Э. Азаматов толиқдим, деб осмонга қараб ётгани йўқ. У киши умри бўйи йиққан сабоқларини фарзандларга улашиш билан овора. Эргаш акани гоҳо ўқувчилар даврасида кўрсак, гоҳо бир кун келиб ўша ўқувчиларни ўқитадиган талабалар қуршовида кўрамиз. Албатта, бевосита мактаб билан боғлиқ ҳолда педагогика институтида машғулот олиб бориш самараси анча салмоқли. Ҳарқалай, бундай ўқитувчи сабоғини олган талаба педагог бўлгач, мактаб ўқувчилари олдида „гапни нимадан бошлашни билмай каловланиб қолмайди.

Эргаш ака жонажон маҳалласида ҳам фаол. У «Ёшлар билан ишлаш бўлими»га бош-қош. Эргаш аканинг 6 нафар фарзанди ҳам таълим-тарбия соҳасига ихлосманд бўлиб, бўа изидан келаётганлиги, у кишининг ўз касбига бўлган инсоний меҳри мевалари бўлса ажабмас.

А. РАҲИМОВ.

СЕРҚИРРА ИЖОД СОҲИБЛАРИ

Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат мактабида шоирлар, адиблар, фан ва маданият арбоблари билан учрашувлар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Кунн кеча бу ерда истеъдодли ёшлар Ўзбекистон халқ рассоми, жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор М. Набиев, таниқли рассом Ғ. Абдураҳмоновларни қизғин олқишлаб, кутиб олишди.

Таниқли кишилар билан учрашувга бағишланган анжуманни Нафис санъат мактаби ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди Н. Ойдинов қисқача кириш сўзи билан очиб, Малик Набиев ва Ғофир Абдураҳмоновларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Атоқли рассом М. Набиев сўз олиб, ўзининг серқирра ижоди ҳақида, Амир Темур, Беруний, Бобур, ибн Сино, ал-Ҳоразмий сингари машҳур давлат арбоблари ва мутафаккирлар образларини яратиш устида олиб борган машаққатли меҳнати тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

Тасвирий санъат ихтисосини эгаллаётган ўқувчиларнинг саволларига Малик Набиев, Ғофир Абдураҳмонов, санъатшунос Неъмат Абдуллаевлар атрофлича жавоб беришди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев иштирок этди ва сўзга чиқди. Нотиқ ўз сўзида бундай қизиқарли учрашувларни тез-тез ўтказиб туришнинг аҳамиятини алоҳида қайд этиб ўтди.

О. ЮНУСОВ.

ОЛИМПИАДАЛАР ОШКОРА БЎЛСА...

Ўтган йилги фан олимпиадалари ҳам одатдагидек «ёпиқ» ҳолда олиб борилди. Мен синов кўрикларининг бундай қаттиқ кўриқланиб ўтказилишига, рости, қўшила олмадим. Чунки, эшиклар маҳкам беркитилган хонада ўқувчиларга қандай саволлар берилаяпти, жавоблар қандай бўляпти — буларни билолмай минг хил шубҳа қамраб олади кишини. Ахир катта спорт мусобақалари минглаб кишилар иштирокида улкан залларда ўтказилаётганда, айтайлик, мусобақага 40—50 ўқувчи киритилса, уларни кузатувчилар ҳам шунча бўлса, 80—100 кишилик бино топилмайдими? Бу тадбир кириш имтиҳони эмас, билимдонлар мусобақаси-ку?!

Ачинарли томони шундаки, фан олимпиадалари ўтгандан сўнг уни ҳеч ким ҳаққоний ўтди, деб баҳолаганини эшитмаганман. Муваффақиятсизликка учраганлар ҳақми-ноҳақми, бу хусусда турли баҳоналар тўқиб чиқармоқдалар.

Э. МИРЗАЕВ,
Самарқанд вилоят Ургут туманидаги 54-мактаб ўқитувчиси.

Очиқ мулоқот

ҲАЁТ КЎЗГУСИ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРСИН

«Маърифат» республикамиз газеталари орасида ўзининг зиё тарқатувчилик фаолияти билан кўп жиҳатдан муштарийларни ўзига тортади. Бунинг сабаби газетада зиёлиларнинг энг йирик гуруҳларидан бири — бошланғич ва ўрта мактаб ўқитувчилари ва ходимлари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларини қизиқтирган мақола ва ахборотлар тез-тез чоп этиб турилишидир.

«Маърифат»нинг яхши хусусиятларидан яна бири унинг муштарийлар билан доимо мулоқотда бўлиб, газетхонларнинг фикрларини ўрганиш ва бу асосда ўз фаолиятини такомиллаштириб боришдадир. Газетанинг ўтган йил 9 декабрь сонида муштарийларни очиқ мулоқотга чақириш — ана шу йўналишдаги тадбирлардан бўлди.

Кейинги йилларда газетада одоб-ахлоқ ва тарбия масалаларига эътибор анча кучайганлиги сезилиб турибди. Шунингдек, ўқитувчилар учун зарур бўлган айрим китоблардан парчалар босилиши, муаллимларнинг дарду ташвишлари, уларнинг иш тажрибалари изчил ёритиб борилаётгани ҳам айни муддао бўлмоқда.

«Маърифат» том маънодаги зиёлилар газетаси бўлиб қолишига имоним комил. Таҳририятнинг ўз муштарийларига мурожаати муносабати билан газета янги йилда ўз ишларини янада такомиллаштириши учун мулоҳазаларимни баён этмоқчиман.

Биринчидан, Ўзбекистон тарихида ўзининг изланишлари, педагогика ва тарбия, одоб соҳасида из қолдирган қатор алломалар мавжуд. Ибн Сино, Беруний, Форобий, Алишер Навоий, Бобур, Авлоний, Айний, Фитрат ва бошқа қатор шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашлари маълум даражада тадқиқ қилинган бўлса ҳам, улар тўла ва етарли умумлаштирилмаган. Агар газета шу йўналишдаги мақолаларни тез-тез ёритиб турса, хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшган бўлар эди.

Иккинчидан, ҳозир биз бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғланган йўналишнинг биринчи босқич вазифаларидан иккинчи босқич вазифаларига ўтиш арафасида турган бўлсак, келгуси авлод вакилларини иқтисодий билимлар билан қуроллантиришга алоҳида эътибор беришимиз керак. Мактабларда иқтисодий олий ўқув юртлари ташаббуси билан дарсликлар тайёрлаш у ёқда турсин, ҳатто ўқитувчилар тайёрлаш масалалари пухта ўйлаб кўрилмаган. Бу йўналишда Ўзбекистон Давлат иқтисодиёт дорилфунунида очилган лицей ва бизнес мактаби тажрибаларидан фойдаланиб, газета бу йўналишни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Учинчидан, ўтган йилларда «Маърифат» газетаси саҳифаларида ўқувчиларнинг китобга қизиқишларини кучайтиришга қаратилган қатор материаллар берилган эди. Фикримча, бу йўналишдаги ишларни давом эттириш керак. Шунга эришайликки, ҳар бир ўқувчи қисман бўлса ҳам кутубхоначилик илмидан хабардор бўлсин.

Тўртинчидан, кейинги йилларда газета саҳифасида ота-оналар иштирок этган синф мажлисидан ёзиб олинган репортаж ўқиганимни эслай олмайман. Ҳозирда маҳаллаларга кенг ҳуқуқлар берилган. Шу боисдан маҳаллаларда тарбия масалаларида мактаб ва ота-оналар иштирокида ўтказиладиган тадбирлар ёритиб борилса.

Шунингдек, жумҳуриятимиз туманларида кекса пенсионер ўқитувчиларимизнинг кенгашлари бор: Айрим жамоалар ўз ишларини муҳим йўналишларда режалаштириб, ёш ўқитувчиларга ва, умуман, мактабларга кенг ёрдам беришмоқда. Бу ишда Шайхонтоҳур тумани пенсионерлар жамоаси ибратли ишлар олиб бораётганидан хабарим бор. Газета саҳифаларида ана шу пенсионер ўқитувчиларнинг хайрли ишларини ёритиш керак.

Ҳар бир район ҳокими ҳузурида депутат гуруҳларидан иборат мактаб ва маданият кенгашлари мавжуд. Бу кенгаш маориф ишларини яхшилашга фаол таъсир кўрсатиши мумкин. Газетамизнинг айрим сонларида бу кенгашларнинг ишларини таҳлил қилиб бериш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Назаримда, бозор иқтисодиётига ўтиш айрим аниқ фанларнинг ўқитилишига алоҳида аҳамият беришни, айниқса, техника тараққиёти билан боғланган фанлар — физика, математика, химия фанларини ўрганишга алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Бу келгусида ўқишни давом эттириш учун ажнабий мамлакатларга юборилиадиган талабалар учунгина эмас, балки республикамизда ўз ўқишини давом эттирувчилар учун ҳам, айниқса, муҳим. Газетада мазкур фанларнинг ўқитилишини яхшилаш муаммолари, илғор иш тажрибаларини ёритиш ҳам эътибордан четда қолмаслиги зарур.

Бозор иқтисодиётига ўтиш вазифаларини ҳал қилиш республикамизда фақат иқтисодиёт ва техника фанлари олдига ҳам катта вазифалар қўймоқда. Педагогика соҳасида илмий-тадқиқот масалалари билан фақат Қори-Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтигина эмас, балки қатор педагогика институтлари ҳам шуғулланаётганлигидан хабаримиз бор. Лекин жамоатчилик бу институтларнинг ўз илмий-тадқиқот ишларини қайси йўналишда қайта кўраётганликларидан бехабар. Шу муносабат билан газетада педагогика соҳасида 1992 йилда олиб борилган тадқиқот ишларининг якунлари ва келгусидаги режалари ҳақида муштарийлар хабардор қилинса, ёмон бўлмасди.

«Маърифат» газетасининг жамоаси ишчан ва тажрибали коллектив. Биз муштарийлар газетамизга ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қилишимиз, долзарб масалаларни кўтариб чиқишимиз, баҳс ва мунозараларда фаол иштирок этишимиз умумий ишимизга яқиндан ёрдам беради, деб ўйлайман.

Ҳикмат СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори, Тошкент Молия институтининг профессори.

ШАНБА
ЧОРШАНБА

АЪЛОЧИЛАРГА СТИПЕНДИЯЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олтиариқ тумани Кенгаши ижроия бюроси 1992—1993 ўқув йилининг аълочи ва жамоатчи ўқувчиларини тақдирлаш мақсадида махсус стипендиялар ташкил қилган эди. Куни кеча мактаб жамоалари, ўқувчилар қўмиталари ва худудий партия ташкилотларининг тавсиялари кўриб чиқилди.

Стипендияларни тумандаги 4-ўрта мактабдан Феруза Ҳалилова, 7-мактабдан Мукаррамхон Абдуллаева, 8-мактабдан Рустам Зуфаров, 11-мактабдан Жаҳонгир Ўрмонов, 13-мактабдан Пўлатхон Каримова, 15-мактабдан Муҳаббатхон Ҳасанова, 17-мактабдан Дилоромхон Маҳмудова, 19-мактабдан Одина Тўраева, 20-мактабдан Муқаддас Ниёзова, 26-мактабдан Омина Ғаниева, 32-мактабдан Равшан Оламназаров, 35-мактабдан Азимжон Тожибоев, 40-мактабдан Умидахон Ўрмоновларга беришга қарор қилинди. Бу тадбир, албатта, ўғил-қизларнинг ўқишга бўлган қизиқишини янада орттиради, дейиш мумкин.

Т. УМАРОВ.

ТЕАТР ТУҲФАСИ

Андижон вилоят Халқ таълими бошқармаси, Андижон шаҳар ва район бўлимларининг таклифига биноан Йўлдош Охунбобоев номли Андижон вилоят драма ва комедия театри мактаб ўқувчилари учун «Изларингга поёндоз тўшар, Андижон» деган адабий-мусиқали композиция тайёрлади.

Куни кеча Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллигига аталган мазкур адабий-драматик томошанинг премьераси бўлиб ўтди. Сценарий муаллифи ва режиссёри Жавлон Тошхўжаев қаламига мансуб бу қизиқарли театрлаштирилган томоша мусиқаларини танлаб унга дирижёрлик қилган Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Хожиқулов, оммавий ва яккахон рақсларни саҳналаштиришда устозлик қилган Ўзбекистон халқ артисти Малоҳат Исҳоқова хизматларини бу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Композиция сюжет чизиғини ва маъно асосини ташкил этган З. Муҳиддиновнинг «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» драмасидан олинган видолашув саҳнасидаги тимсолларни Ўзбекистон халқ артистлари Ҳ. Олимжонов (жаноб Қосимбек,) О. Сайбурхонов (Бобур), артистлар Ш. Тожибоева, О. Маҳмудова, Ҳ. Исмоилов, Ж. Убайдуллаев, А. Одилов ва Д. Йўлдошевлар маҳорат билан ижро этганликлари ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Шунингдек, томошадан жой олган «Савти чоргоҳ», «Шараф I», «Яхшилик», «Топилмас», «Соқиноман савти калон», «Сараҳбори оромижон» сингари Бобур қаламига мансуб ғазалларга басталанган дилрабо қўшиқ ва рақсларни М. Маматхонов, О. Содиқова, М. Болтабоев, М. Йўлдошева, М. Бойматова сингари хушовоз хонанда ва раққосалар маҳорат билан ижро этганликларини кўпчилик алоҳида таъкидлаб, баъзи жузъий камчиликларни ҳам самимий ва рўйирост айтиб ўтдилар.

Композиция 1993 йилнинг январидан бошлаб ўқувчилар ва хоҳлаган томошабинларга арзон нархда намойиш этилиши кўзда тутилаётир. Бунга театрнинг мактаб ўқувчилари ва тил-адабиёт муаллимларига тортиқ этган арзигулик туҳфаси деб қарамоқ керак.

О. ЭГАМБЕРДИЕВ.

Тўйхат ўрнида

МЕҲР ҚУЁШИ



Куни кеча самарқандлик мухбиримиз Зайниддин Баҳриев ҳушчақчақ кайфиятда хонага кириб келиб, қадрдон дўсти Жўра Холқосимов 60 ёшга кирганлиги ҳақидаги мақолани ўқиб беҳад қувонганлигини ва қутламоқчи эканлигини айтди. Биргаликда тўртинчи қаватдан учинчи қаватга тушдик.

— «Қўшчинор»ни ўқидим, Жўравой, яшанг, қандингизни уринг, менга ўхшаб 70 ёшга кириб, ундан ошиб юринг, — деди уни ҳаяжон билан бағрига босиб.

Бу ҳаяжонли манзарани кузатар эканман, янги йил арафасида Тошкентнинг Чимбой даҳасидаги шифохонада даволаначётган ҳамкасбимни кўргани борганимда, туғилган куни ҳақида ҳеч нарса демаганига ҳайрон бўлдим. Албатта, одатдагидек камтарлик қилган бўлса керак.

Зайниддин аканинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан Самарқандга борганимга ҳам ўн йил тўлибди. Ўша куни Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номли 10-мактабнинг мажлислар залига раҳбар идораларнинг вакиллари, вилоят, шаҳар ва район халқ маорифи раҳбарлари, ўқитувчилар, ўқувчилар тўпланиб, юбиляр шарафига самимий сўзлар айтилгани, қўшиқ ва шеърлар янграгани худди кечагидай эсимда. Ўшанда раҳматли академик Воҳид Абдулло Зайниддин Баҳриев ва унинг рафиқаси, Республика Олий Совети депутати Кароматхон ая Раҳматовага бағишлаб ёзган шеърини ўқиб берганида залда узоқ олқишлар янграганди. Шу воқеанинг эртасига «Ленин йўли» ва «Ленинский путь» газеталарида журналист дўстимизнинг юбилейи ҳақида мақола эълон қилинганди.

Ҳар кимнинг ҳам яқин дўстлари бўлади. Шулар орасида фидойи ўқитувчи-журналист, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Муҳсин Ҳусайновнинг садоқатик оғайни эканига тан бергандим. Ҳозир ҳам бу қадрдон дўстларга ҳамма ҳавас қилади.

Мен ўшанда «Ўқитувчилар газетаси»нинг мухбири Зайниддин Баҳриевнинг ҳалол ва сидқидилдан қилган меҳнатлари муносиб баҳоланаётганига имон келтирган эдим. Самарқандликлар «Маърифат» газетаси мухбирига ўз меҳр-муҳаббатлари юксаклигини яқинда яна бир карра намойиш этишди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ҳасан Нормуродов саъй-ҳаракати билан Самарқанддаги Рудакий номли 5-мактабда яқинда Зайниддин аканинг 70 йиллик юбилейи нишонланибди. Бундан «Зарафшон» газетаси муҳаррир ўринбосари Азиз Йўлдошев ёзган мақола орқали хабардор бўлдим.

Етмиш йиллик умрининг салкам қирқ йилини газетачиликка бағишлаган, ёзнинг жазирама иссиғию қиш-қировли кунларида гоҳ арава, гоҳ юк машинасида, гоҳ яёв олис қишлоқ мактабларига елиб-югурган заҳматкаш инсон ҳақида ҳар қанча мақтов сўзларини ёзса арзийди.

Зайниддин ака билан унинг мухбирлик фаолияти қандай бошлангани, ҳаёт йўли, оиласи ҳақида бафуржа суҳбатлашдим. Айтишича, Самарқанд педагогика билим юртида ўқиб юрган (1936—39) йилларда «Роҳи жовонон» («Ёшлар овози») деворий газетасига муҳаррирлик қилган. Шу даврда «Пионери Тожикистон» газетасида ўз хабарлари, мақолалари билан қатнашган. У «Ёш мухбирлар» тўгараги раҳбари Михаил Чўлпаев ҳамда билим юртининг география ўқитувчиси Қамариддин Шамсиевнинг мухбирликка қизиқтирганликларини мамнуният билан тилга олди.

Зайниддин аканинг ҳаёт йўли кўпчилик учун ибрат бўларли. У 16 ёшида бошланғич синф ўқитувчиси сифатида иш бошлади. 19 ёшида фронтга кетди. Шимолий Кавказдаги Моздок шаҳридан Берлингача минг-минглаб километр йўллардан сув ва қон кечиб босиб ўтди. Берлинни ишғол қилишда қатнашди. Қанчадан-қанча қуролдош дўстларини йўқотди. Ниҳоят 1946 йилда Самарқандга қайтди ва дастлаб бошланғич, сўнг ўрта мактаб директори вазифаларида ишлади. 1952 йилдан вилоят халқ маорифи бўлимида инспекторлик қилди. Шу пайтда Самарқанд давлат университетининг тарих факультетида сиртдан ўқиди.

Зайниддин Баҳриев ёшликда кўнгил берган мухбирликни давом эттириб, «Ўқитувчилар газетаси»га хат-хабарлари билан қатнашиб турди.

— Мен, — деб ҳикоя қилади Зайниддин ака, — 1956 йилнинг 20 августида газетамиз мухбирлигига тайинландим. Ўша пайтда ишга қабул қилган муҳаррир, раҳматли Ҳамидулла Кўрикбоевнинг табассум билан қутлагани ва далда бергани ҳали ҳам кўз олдимдан кетмайди. У ўта ғамхўр, билимдон инсон эди.

Зайниддин Баҳриевнинг «Ўқитувчилар газетаси» саҳифаларида тез-тез эълон қилиб турилган мақолаларини Сурхондарё вилоятининг Узун районида ўқитувчилик қилиб юрган пайтларимда кўп ўқиганман. Тақдир тақозоси билан 1960 йилнинг охирларида таҳририятга ишга келиб, бу заҳматкаш, одамохун инсон билан салкам 35 йилдан буён бирга ишлаб, қадрдон ака-укадек бўлиб кетдик.

Зайниддин аканинг Самарқанд, Бухоро, Жиззах вилоятларида қадами етмаган жой йўқ, дейиш мумкин. У билан Каттақўрғон шаҳри, Иштихон, Паст Дарғом, Ургут районларида, Тожикистоннинг Панжикент шаҳрида бирга бўлганмиз, газетхонлар конференциялари ўтказганмиз, илғор ўқитувчиларнинг дарсларини кузатганмиз.

Зайниддин ака яқин-яқингача мактабда тарих ва жамиятшунослидкан дарс ҳам бериб келди. У халқ маорифи ишини, ўқитувчилик касбининг нозик томонларини яхши билгани учун ҳам жойларда катта обрў-ҳурмат қозонган.

Халқ таълими муаммоларини, илғор иш тажрибаларини ёритиш, газетхонларнинг шикоятлари бўйича текширишлар олиб бориш мухбирдан катта билим, сабр-тоқат талаб этади. Зайниддин ака бу вазифани ҳам сидқидилдан адо этиб келди.

Ҳаёт ҳамиша бирдай сокин бўлмайди. Баъзан ўткир танқидий мақолалар, фельетонлар кетидан можаролар ҳам бўлгани ёдимизда. Лекин кўпгина ҳолларда танқид қилинганлар айбларини тан олишган.

Зайниддин ака Самарқанду Бухородаги олий илм даргоҳларининг етакчи олимлари, халқ таълими бўлимларининг оқил ва ишбилармон раҳбарлари, новатор ўқитувчилар билан яқиндан мулоқотда бўлиб, кўплаб саҳифа материаллари, суҳбатлар уюштирганининг гувоҳимиз.

Одамийлик, меҳр-оқибат ҳақида сўз кетадиган бўлса, унинг кўпчиликка ибратли томонларини айтиб ўтиш жоиздир. Сиёб бозорига яқин жойда — Булунғур кўчасидаги торгина хонадондан ҳамиша меҳмон аримайди. Таҳририятдан ташқари яқин-узоқдан келган ёзувчилар, журналистлар бу ерга қадам ранжида қилишади. У ўз уйида Мирзакалон Исмоилий, Адҳам Раҳмат, Наби Юсуфий каби адиблар суҳбат қуришганини мароқ билан эслайди. Таҳририятимизнинг оламдан ўтган Саъди Ҳусанов, Саидакбар Саидов, Сиддиқ Нурматов, Ортиқбой Қобилжонов, Убайдулла Салоҳиддинов сингари заҳматкашлари хотирасини ҳурмат билан эсга олади, Тошкентга келганида уларнинг хонадонига бориб, оиладагилар ҳол-аҳволидан хабар олиб туради.

Зайниддин ака пири бадавлат инсон, икки ўғил ва бир қизидан 12 невара, бир эвараси бор.

Зайниддин ака кўксидаги йигирмага яқин жанговар орден ва медаллар қаторидан «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» ва Қори-Ниёзий номидаги нишон ўрин олган. Халқ таълими соҳасидаги хизматлари учун иккита ҳукумат Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан унга берилган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» деган юксак унвон бутун жамоамизни чексиз қувонтирди.

Азиз ҳамкасбимиз Зайниддин акани бугун — 20 январь куни муборак етмиш ёшлари билан самимий қутлаймиз. Орамиздаги дўстлик ришталари узилмасин, меҳр-оқибат йўқолмасин. Зеро севимли шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек:

Инсон билан тирикдир инсон
Муҳаббатда ҳаётнинг боши.
Одамзодга бахш этади жон
Одамларнинг меҳр қуёши.

Ғафур МАННОПОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ЎЗБЕКИСТОН МАОРИФЧИЛАРИДАН „МАЪРИФАТ"ГА

ТАДБИР НАТИЖАСИ ЯХШИ БЎЛДИ

НАВОИЙ. Шаҳар халқ таълимида мактабларо ўқувчилар ўртасида олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Унда кўтарилган масалалардан энг муҳими, давлат тилини мактабларда қўллашдир. Ана шунга асосан ўзбек мактабларидаги ўқувчилардан иншо, рус мактаби ўқувчиларидан эса диктант иши олинди. Натижаси эса чакки бўлмади. Айниқса, рус мактаби ўқувчилари ўзларининг нечоғли билимга эга эканликларини, ўзбек тилини яхши ўзлаштириб олганликларини амалда исботладилар.

Дарвоқе, бу олимпиадада ғолиблар аниқланиб, қимматбаҳо буюмлар, пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Акбар АЛИ.

БОЛАЛАР МУАССАСАЛАРИГА ТУҲФА

ҚАШҚАДАРЁ. Яқинда украиналик қардошлар Қарши шаҳри аҳолиси учун турли ширинлик маҳсулотлар, конфетлар юборишганди. Вилоят раҳбарларининг таклифига кўра, бу маҳсулотлар, аввало, болалар муассасаларига, шунингдек, шифохоналарга тарқатилди. Қолган қисми эса шаҳар аҳолисига сотилди. Болажонлар эса бу хайрли ишдан мамнун бўлишмоқда.

Мўмин МИРЗО.

СИНОВ ЯКУНЛАНДИ

БУХОРО. Олот туманида барча фанлардан ўқитувчилар дарсларини кузатиш ишлари якунланди. Бундай тадбирни ўтказишдан мақсад муаллимларнинг ўз устида ишлаши, масъулиятни оширишдан иборат эди. Куни кеча ана шу синов натижалари туман халқ таълими бўлимида кўриб чиқилиб, тажрибали ўқитувчиларнинг услублари оммалаштириладиган бўлди.

Маҳмуд ЖЎРА.

ЖАМОАТЧИЛИК АСОСИДАГИ КЕНГАШ

СУРХОНДАРЁ. Бойсун туманидаги халқ таълими бўлимида навбатдан ташқари кенгаш бўлиб ўтди. Унда маорифчилар билан биргаликда ота-оналар, кенг жамоатчилик, ташкилот раҳбарлари ҳам иштирок этдилар. Кенгашда кўтарилган асосий масала таълим-тарбияга қаратилди.

Истода ТОҒАЙМУРОД қизи.

КИЧКИНТОЙЛАР ҲАМ БЕЛЛАШАДИ

САМАРҚАНД. Вилоят халқ таълими бўлимида юқори синф ўқувчилари қаторида бошланғич синф ўқувчилари ўртасида ҳам фанлараро беллашувлар ўтказиб туриш кенг йўлга қўйилган. Яқинда шаҳар мактаблари ўртасида кичкинтойларнинг математика ва она тили фанлари бўйича навбатдаги беллашувлари бўлиб ўтди. Унда энг фаол қатнашган уч нафар ўқувчига 25 сўмдан 50 сўмгача бўлган пул мукофотлари берилади-ган бўлди.

Муҳаммад РАЖАБ.

МАВСУМГА ТАЙЕРГАРЛИК

СИРДАРЁ. Оқолтин туманидаги мактабларнинг кўпчилигида ўз ер-участкалари мавжуд. Ўтган йили уларнинг барчаси ҳам бисотларидаги ердан яхши ҳосил олиб, ўқувчиларга, ўқитувчиларга тарқатишганди. Айни кунда ҳам мактаблар жамоасидан ташкил топган гуруҳлар бўш вақтларида ерга ишлов бериб, келгуси ҳосилга замин ҳозирламоқдалар.

Олимбой НИШОН ўғли.

МУШТАРИЙ — ГАЗЕТА — МУШТАРИЙ

НОМАЛАРГА МУШТОҚМИЗ

Ҳар қандай хайрлашув ҳам киши кўнглига ҳижрон дардини солиб, дийдорлашган онларимизни бир умрга хотирамизга михлайди. Ўтган йилда сиз азиз муштарийлар билан гоҳо юзма-юз, гоҳо фикран кечган мулоқотларимиз, бизнингча, бесамар кетмади. Унинг натижаси ўлароқ, сизларнинг турфа фикру таклифларингиз, мулоҳазаю мунозаларингиз газетамиз саҳифаларининг ранго-ранг чиқишини таъминлади. Бунинг учун кўнгилдагини оқ қоғозга муҳрлаб, бизга етказган фидойиларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Таҳририятнинг мактаблар бўлимига 1992 йилда республиканинг турли бурчакларидан уч мингга яқин мактуб келди. Уларнинг ҳар бирини инсоннинг эзгуликка талпинишдаги хавотир меваси, деса бўлади. Газетанинг «Етилган муаммолар», «Дарсликларни варақлаганда», «Бир соатлик дарс», «Таклиф ва мулоҳаза», «Виждонан меҳнат қилаётганлар» ва шунга ўхшаш бир талай рукнлари остида берилган хат-хабарлар ўлкамиз маорифчиларининг шу кунларда қандай ўй-ташвишлар билан яшаётганлигини кўзгудагидек акс эттирди. Бизга умид билан нома йўллаган ҳар бир кишининг аҳволини тушунса бўлади. Хатини алоқа бўлими қутичасига ташлаганданоқ, газетанинг ҳар бир сонини улар илинж-ла варақлайди. Бўлмаса, кейингисидан умидвор бўлади.

1992 йилда бўлимимизга тушган мактубларнинг 30—40 фоизидан фойдаланишнинг иложи бўлди, холос. Бунинг сабабларини санасак, бармоқларимиз етмаслиги мумкин. Биз шулардан айримларини айтиб ўтамиз.

Маълумингизким, ўтган йилнинг бошида «Маърифат» ҳафтада уч маротаба чиққанди. Сўнгра ҳаммага аён аҳволга кўра, иккитага тушди. Маълум муддат унинг мавжуд бўлиб туриши ҳам хавф остида қолди. Хайриятки, бу кунларнинг ўтиб кетиши пешонасига ёзилган экан. Шу каби маромнинг бузилишлари сизнинг хатларингиздан фойдаланишимизга бир оз тўсиқ бўлди. Иккинчидан эса, сизлар томондан кўтарилган муаммоларда, таклифларда кўп ҳолларда ўхшашликларга дуч келдик. Газетада ҳадеб бир нарсани такрорлайвериб, сийқалашишга йўл қўймаслик учун уларнинг айримларидан воз кечишга мажбур бўлдик. Буни зинҳор айбловга йўйманг. Кўнглингиздаги гаплар бошқа биров томонидан айтилганига ҳам ҳафа бўлманг. Негаки ҳамфикрларингиз, ҳаммаслакларингиз борлигидан қувонинг.

Яна мактаблар бўлимига бир даста мактуб келди. Улардаги номларга кўз югуртирамиз. Яна ўша қадрдонлар. Демак, ўтган йилги хатининг газета юзини кўрмаганлигида кўнгли ўксимаби уларнинг. Бу ҳол ўзаро мулоқотимиз давомийлигидан дарак.

Бундан кейин ҳам биз, сиз азиз муштарийларнинг ўй-хаёллари, ташвишлари битилган номаларга муштоқмиз. Ёзинг, ёзганингизнинг ўзига хослиги, унда билдирилган таклиф ва мулоҳазаларнинг «теша тегмаганлиги» газета саҳифаларидан жой олишини кафолатлайди.

Мактаблар бўлими.

Бизнинг суҳбат

ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон давлатлари бошлиқлари учрашуви жуда катта тарихий аҳамиятга эга сиёсий воқеа бўлди. Унда Марказий Осиё давлатларида ечимини кутаётган муҳим юктимоий-сиёсий масалалар муҳокама қилиниб, навбатдаги режалар, дўстлик, ҳамкорлик муносабатларини янада яхшилашга қаратилган ишлари йўлга қўйиш хусусида келишиб олинди. Мазкур анжуманда билдирилган қимматли фикрлар, кўтарилган масалалар мактаб ва олий таълим муаммоларига ҳам тўла даҳлдордир. Шу мунасабат билан жамоатчи мухбиримиз Байит ТУРДИЕВ Тошкент давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди, Халқлар дўстлиги ордени соҳиби, ватанпарвар олим Мухтор ШОПСАНОВ билан учрашиб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учрашуви якунларини шарҳлаб бериш ҳақида суҳбат қилди.

Мухбир: — Домла, Сиз шарқшунос олим сифатида бу учрашувнинг туб моҳияти ва унинг якунлари ҳақида қандай фикрдасиз? Шу масалада жуда кўп кишилар, жумладан, мактаб ва техникум ўқитувчилари ҳам қизиқишмоқда. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари нима мақсадда учрашдилар? Унинг моҳияти нималардан иборат?

Жавоб: — Очиғини айтганда, мен ҳам худди шундай учрашув бўлишини кўп йиллардан бери орзу қилар эдим. Турғунлик йилларида бундай учрашувга Марказ рухсат бермасди. Чунки собиқ СССР алоҳида регионнинг бирлашувини сира ҳам истамас эди. Эндиликда, Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. Лекин бу ҳали тўла мустақиллик эмас. Тўла мустақил бўлиш учун иқтисодий жиҳатдан ўзини-ўзи тўла таъминлаши керак. Халқ хўжалиги тармоқлари бўйича ўзининг миллий кадрларига, ўз пулига, ўз чегараси бўйича миллий-ҳарбий қўшинларига, турли ҳарбий мутахассисликларига эга бўлиши керак. Энг муҳими, тўла иқтисодий мустақилликка эга бўлиш учун кон ишлаб чиқариш тармоқлари бўлиши зарур. Бусиз ҳарбий саноатни ҳам, халқ хўжалиги машинасозлигини ҳам йўлга қўйиш мумкин эмас.

Мухбир: — Бизда турли бойликларимиз бор. Уларни бошқа мамлакатлардаги кон ишлаб чиқариш маҳсулотлари билан айрибошлаш мумкинку?

Жавоб: — Фикрингизга қўшиламан, масалан, Қозоғистон республикасида руда конлари бор. Уларни Ўрта Осиё республикалари биргалашиб ишлатишса, машинасозлик саноатига эга бўлиш мумкин. Яна бир муҳим масала бор. Ўзбекистон талабини қондирадиган даражада нефть бойлигимиз йўқ. Бу маҳсулот эса, Туркманистонда етарли. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари у ерда камроқ. Масалан, Ўзбекистоннинг биргина пахтаси ёки олтини бир неча республикаларни таъминлай олади. Демак, бешта республика бирлашса, ўз маҳсулотларини биргаликда ишлатса, уларнинг келажаги ниҳоятда порлоқ бўлиши мумкин.

Мухбир: — Домла, ҳозир нарх-навонинг кўтарилиши ҳам шу масала билан боғлиқ бўлса керак?

Жавоб: — Энг зарур маҳсулотлар, яъни темир-руда, нефть маҳсулотлари асосан Россиядан олинмоқда. Улар текинга берилаётгани йўқ! Ҳаттоки ўз пулимизни ҳам ҳозирча муомалага чиқариш қийин, чунки агар рубль зонасидан чиқсак, нефть, руда, турли машиналар, ёғоч маҳсулотларига халқаро валюта билан Россияга пул тўлашга тўғри келади. Ўзбекистонда эса, валюта йўқ. Россия Туркистон давлатларига ҳам шу талабни қўяди. Шу боис Туркманистондан бошқа республикалар яқин орада ўз пулига эга бўлиши қийин. Бу, албатта, менинг шахсий фикрим. Агар, бешта республика бирлашиб, бир фикрга келиб иш кўрса, иқтисодий жиҳатдан ва ҳарбий қудрати жиҳатидан ҳар томонлама мустаҳкамланади. Айни пайтда Туркистон Хитой орқали жаҳон денгизларига чиқиш имконига эга бўлади.

Мухбир: — Ҳайратон, Қобул-Қандаҳор, Қарачи йўлларини ҳам шарҳлаб берсангиз?

Жавоб: — Дарвоқе, Президентимиз шу йўлларни очиш учун қатъий ҳаракат қиляпти. Бу янги гап эмас. Бу масала 1970 йилларда кўтарилган эди. Лекин Покистон, Афғонистон ва ўша пайтлардаги бизнинг раҳбарлар ҳам, қолаверса, Европа мамлакатлари ҳам бу масалага қаршилик кўрсатишган эди. Бу йўл, аввало, ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга. Америка эса, бу режани рад этиш мақсадида Покистонга ўз таъсирини ўтказган. Шунда мен собиқ СССРнинг Ҳиндистондаги элчихонасида ўзаро иқтисодий ёрдам Қўмитасида ишлар эдим. Бу воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлганман.

Мухбир: — Покистон, Америка ва Европа мамлакатлари раҳбарлари шундай йўл қурилишига нега қаршилик кўрсатишган?

Жавоб: — Агар бу йўл қурилса, ўша пайтлари Европадаги барча социалистик лагерь мамлакатлари, Европа, Ўрта, Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатлари, шунингдек, Ҳинди-Хитой, Сингапур, Малайзия, Индонезия мамлакатлари билан бўладиган савдо иқтисодий ва ўзаро ҳамкорлик алоқалари шу йўл орқали амалга оширилиши турган гап эди. Шунга кўра, Европанинг Шарқ билан бўладиган денгиз йўли инқирозга юз тутарди. Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатлари эса бундай йўл қурилишидан ҳар томонлама манфаатдор бўларди. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларига айланар эди.

Бу муҳим масаланинг бугунги кунга келиб, яна кун тартибига қўйилиши айни муддаодир. Зотан, ўша йўллар қурилиб битказилса, Марказий Осиё давлатлари билан Ўрта Шарқ мамлакатлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилади. Бундан Ўрта Осиё ҳар томонлама манфаат кўришига ишончимиз комил.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги раҳбарлари 22 январда Минскда учрашадилар. Унда тинчлик, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари ҳақида жиддий гаплар бўлиши мумкин. Зотан, Марказий Осиё давлатлари учрашувида олға сурилган ғояларини маъқул қилишса, айни муддао бўлур эди. Буни келажак кўрсатади, албатта.

Мухбир: — Домла, ғоятда мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат!

Суҳбатдош Б. ТУРДИЕВ.

Ҳамкасб ҳақида

ИЗЛАНИШЛАРИ ЗОЕ КЕТМАЯПТИ

Маҳмуджон Тошкент давлат дорилфунунининг она тили ва адабиёти куллиётини тугатган. Турғунлик йилларида рус тилида гаплашадиган аҳоли ўртасида ўзбек тилини менсимаслик ҳоллари юз бергани унинг нафсониятига ёмон таъсир қилган эди. Шунинг учунми, у бир неча йиллардан буён ўзбек ўғил-қизлари қаторида таълим рус тилида олиб бориладиган синфларда ҳам ўзбек тилининг жозибасини, кишини маҳлиё этадиган нафис ғазаллар сеҳрини бошқа миллат болалари онгига сингдириб келаяпти.

Маҳмуджоннинг ўзбек тили ва адабиёти кабинети ҳам кишининг ҳавасини уйғотади. Агар хонани бир кўздан кечириб чиқсангиз, дарсликлар, тажриба, амалий ва назарий иш қуроллари, киноаппарат, кодоскоп, эпидиаскоплар, дидактик материаллар, услубий тавсиянома ва қўлланмалар ўзбек тили ва адабиёти фани бўлимларига доир жавонлардан жой олганининг гувоҳи бўласиз.

Унинг иш услубида ўрнак оларли жиҳатлари кўп. Ўтган йилдан бошлаб шаҳар мактабларининг 6—7-синф ўқитувчилари М. Турсунов тузган режа асосида иш юритяптилар. Янги дастурнинг аввалгиларидан фарқи шуки, унда кўпроқ тарбия, ахлоқ-одоб, урф-одат мавзуларига кенг ўрин берилган. Билим даргоҳи деворларидаги стендлар, ёзувчи ва шоирларнинг портретлари, жадвал ва альбомлар шунга монанд безатилган. Албатта, бунда, энг аввало, ўқитувчининг дид-фаросати, ишбилармонлиги, педагогик маҳорати акс этган.

— Биз, — дейди шу мактабнинг кекса ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Ҳакимжон Абдураҳмонов, — Маҳмуджонни ишбилармонлиги, ишчан ва ташаббускорлиги учун ҳурмат қиламиз. У ёшларга ўз фани бўйича бериладиган билимнинг мазмунли бўлиши ва самарадорлиги учун бор имконияти ва кучини, вақтини аямайди.

Дарҳақиқат, шундай. Маҳмуджонни ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасида, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти жамоаси орасида тез-тез учратасиз. У дарс ва машғулотларнинг самарадорлигини ошириш учун доимо изланади, унинг калитини топишда дуч келинадиган қийинчиликларни бартараф этиш йўлларини қидиради. Шунинг учун ҳам, бу ғайратли ва изланувчан, ташаббускор методист-ўқитувчини мактаб аттестация комиссияси ўтган йили олий тоифали ўқитувчи, деган юксак унвонга тавсия қилган эди. Кўп ўтмай тавсия шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси томонидан тасдиқланди.

Юксак унвон М. Турсуновни янгидан-янги эгалланмаган чўққилар — фан уфқлари сари чорлашига аминмиз.

Қ. ТЎЛЕБОЕВ,
Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги 230-мактабнинг олий тоифадаги ўқитувчиси.

МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

Улуғ мутафаккирларимиз қолдирган бой ижодий меросининг бугунги ёш авлод, эртанги келажак учун ҳам тарбиявий аҳамияти беқиёсдир. Яқинда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида ўтказилган «Шарқнинг улуғ мутафаккирлари меросида таълим-тарбия масалалари» мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани худди шу нуқтаи назардан ҳам диққатга моликдир.

Анжуманнинг ялпи мажлисини институт ректори, профессор К. Юсупов кириш сўзи билан очиб, унинг мақсади ёш авлодга таълим-тарбия беришдаги муҳим, долзарб жиҳатлари тўғрисида қисқача тўхталди.

Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти профессори, тарих фанлари доктори А. Аҳмедов, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ўзбек тили адабиёти умуминститут кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори Б. Тўхлиев, қадимги дунё, ўрта асрлар тарихи ва ўлкашунослик кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори, профессор А. Набиевлар «Мирзо Улуғбекнинг Шарқ илмий-педагогик тафаккури тараққиётидаги ўрни», «Юсуф Хос Ҳожибнинг аҳлоқий ўгитлари», «Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тарихий қарашлари» мавзуларидаги маърузалари билан йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Анжуманнинг шўъбаларда давом эттирилган мажлисида Заратуштра, Муҳаммад Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад ал-Ғаззолий, ат-Термизий, Абу Ало ал-Маарий, Амир Темур, Алишер Навоий, Ҳондамир, Султонали Машҳадий, Огаҳий, жадидчилик мактабининг илғор намояндалари бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, Абдулла Авлоний ва бошқа алломаларнинг иқтисодий, ахлоқий, педагогик, касб тарбиясига оид бўлган фикрлари, ижтимоий-сиёсий, тарихий ва фалсафий қарашларининг таълим-тарбиядаги ўрни бўйича қизиқарли маърузалар тингланди.

Анжуман ташкилий қўмитаси барча яхши маърузаларнинг матнларини тўплам ҳолида чоп эттиришни лозим топди.

М. ХУЖАМОВ,
Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти аспиранти.

ТАРБИЯ— БАРЧАНИНГ ИШИ

Келажак бугунги кунда ёшларнинг қандай тарбияланишига боғлиқ. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Масъулиятли жараён давом этаётган ҳозирги долзарб вақтда ёш, мустақил давлатимиз раҳбарияти томонидан ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор билан қаралаётганлиги бежиз эмас, албатта. Муаллимларнинг оғир шароитдаги меҳнатлари инобатга олиниб, уларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари ҳақида Республикамиз Президентининг қатор Фармонлари, «Таълим тўғрисида» Қонунинг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир фуқаронинг билим олиши давлат томонидан кафолатланганлиги халқ таълими равнақига катта аҳамият берилганлигининг яққол далилидир.

Бугунги кунда жумҳуриятимизда халқ таълими муассасалари фаолиятини такомиллаштириш соҳасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Иқтидорли ёшлар тарбиясига ғамхўрлик кучайтирилди, жойларда таълим ва тарбиянинг янги тармоқлари; лицейлар, гимназиялар ташкил этилди. Олий ва ўрта махсус таълимнинг янги-янги тармоқлари вужудга келди. Келажакда фаровон яшашнинг асосий омили табиий ва ижтимоий соҳадаги билимдонлик, юқори аҳлоқий фазилатларга эга бўлишга ҳар томонлама боғлиқ эканлигини тушуниб етган кўпчилик ота-оналар ўз фарзандларининг чет тилларни ўрганишлари, аниқ фанлар соҳасида қўшимча билим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари учун қайғураётганликлари қувонарли ҳолдир.

Лекин бозор иқтисоди деганда олиб сотарликни, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тоймасликни тушунадиган ота-оналар ҳам, афсуски, оз эмас. Яқинда кўчада кетаётиб, қўлида «ўзидан катта» тугун кўтарган икки болани учратиб қолдик. Улардан бири 7, иккинчиси 5 ёшлар чамасида эди. Улар бизга «Амаки, пайпоқ олмайсизларми?» деб мурожаат қилди. «Пайпоқлар кимники?» дедим мен. «Ойим бердилар, сотиб юрибмиз. Бир жуфти 55 сўмдан» деб жавоб берди болалардан каттаси ва тугунни очди. Тугун ичидаги пайпоқлар орасида бир парча қоғозга «50 сўмдан» деб ёзилганига кўзимиз тушиб: «Ойинг 50 сўмдан сотгин, деган-ку. Нега алдайсан?» десак, бола уялиб ерга қаради...

Ширинлик маҳсулотлари тайёрлайдиган корхона дўконида вояга етмаган 15 ёшлар чамасидаги йигитча бир кило тортни 300 сўмдан пулламоқда. Корхонага кириб мудирдан торт баҳосини сўраганимизда 250 сўм эканлиги маълум бўлди. Бундай воқеаларни кўплаб учратишимиз мумкин.

Бир куни юқори синф ўқувчиларидан бири бошланғич синф ўқувчисини бирикки шапалоқ тушириб, унинг отаси номига ёзилган мактубни қўлига тутқазибди. Мактубда мазкур шахснинг мансабидан фойдаланиб, кишилар ҳақига хиёнат қилаётганлиги ҳақоратли сўзлар билан баён этилган эди. Мактубдаги «хиёнат ишлари» у кишининг хизмат фаолиятига мутлақо тегишли эмас эди. «Зўравон»нинг ўзи ва отаси билан ўтказилган суҳбатда ота оила даврасида кишилар ҳақида билса-билмаса турли «мишмиш»ларни кўп гапириши аён бўлди. Биз унга: «Ахир кишиларга туҳмат қилиш жиноят-ку», деганимизда: «Ҳа, энди узр, бошқа такрорланмайди», деб кечирим сўраган бўлди. Лекин бу билан боласи қалбида бегуноҳ кишиларга нисбатан уйғонган нафрат туйғусини, «қилдан қийиғ ахтариш» одатини йўқота оладими?

Яна бир мисол. Ўқитувчи ўқувчининг дарсга келмаганлиги сабабини аниқлаш учун унинг уйига боради. Боғланмаган ит ўқитувчига ташланиб, уни жароҳатлайди. Биз бу воқеадан бехабар эдик. Эрталаб ўқувчининг онаси ўғлини мактабга эргаштириб келиб, боласини сабабсиз қойиганлигини айтиб, ўқитувчи устидан шикоят қилди. Ўқувчи ҳам буни тасдиқлади. Воқеани аниқлаганимизда шикоят ўринсиз эканлиги, ити туфайли етказилган зарар масъулиятидан ўзини қутқариш мақсадида она ўз фарзандини ўқитувчига туҳмат қилишга мажбур қилганлиги маълум бўлди. Албатта, булар барчаси оддий воқеаларга ўхшаб кўринади. Бироқ бу воқеалар ёшлар тарбиясига салбий таъсир этади. Уларни тўғрилик, ҳалоллик, меҳр-оқибат каби инсоний хислатларга эмас, балки шахсиятпарастлик, ўзбошимчалик, адолатсизликка одатлантиради.

«Қуш уясида кўрганини қилади» дейди доно халқимиз. Ҳақиқатан инсоннинг дунёқараши, унинг қалбида ижобий ёки салбий одатларнинг шаклланиши асосан ташқи муҳитга, катталарнинг турмушга, бир-бирларига ва болаларига бўлган муносабатларига боғлиқдир.

Лекин ҳамма ҳам бозор иқтисоди шароитида маърифат ва маънавиятнинг нақадар зарурлигини тушунавермайди. Ваҳоланки, бола тарбияси ҳақида аввало ота-онанинг тушунчаси етарли бўлмоғи лозим. Оммавий ахборот воситалари, жумладан, рўзномалар, ойномалар саҳифаларида таълим ва тарбияга оид мақолалар, фикр, мулоҳазаларга кенгроқ ўрин берилса, ойнаи жаҳонда ва радио тўлқинлари орқали ҳафталик эшиттириш соатлари кенгайтирилса, намунали оилалар ҳақида ҳикоялар уюштириб борилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Зеро, тарбия — барчанинг ишидир.

Зикрилла ШЕРМАТОВ,
Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 51-ўрта мактаб директори.

• АКС САДО

ХАЙРИХОҲЛАР ТОПИЛДИ

«Маърифат»нинг «Сизнинг фикрингиз» рукни остида берилган «Муаллимлар маоши ҳисобидан стипендия» сарлавҳали хабардан Уйчи районидаги 31-мактабнинг бир гуруҳ муаллимлари ташаббуси ҳақида ўқиб, очиғи, шундай келажак ғамхўрлари борлигидан қувониб, улар олдида ҳижолат тортгандек бўлдим.

Савобнинг катта-кичиги йўқ. Балки бу муаллимларнинг ўз ўқувчиларига бераётган пули арзимасдир. Бироқ ўқитувчининг чиндан ҳам болаларга таълим беришдаги масъуллигини ҳис этиши бу ишнинг асосий ютуғидир. Олтиариқ туманида ҳам айнан шу ташаббусни 26-ўрта мактаб директори ўринбосари Бахтиёр Элчиев илғари суриб, аълочилардан 2—3 нафарини 20—30 сўм миқдоридаги пул билан рағбатлантирганди. Энди бу каби хайрли ишнинг кенг қулоч ёзиши ҳақида гап кетса, ҳозирча бирор нарса дейиш қийин.

Мен ҳам ҳамкасбларимнинг ҳиммматидан руҳланиб, бу савобли ишга қўл уришни лозим топдим.

Т. УМАРОВ.

Синф раҳбарларига ёрдам

ЎҚУВЧИЛАР ТАВСИФНОМАСИ

Бугунги кунда мактабда таълим-тарбия уйғунлигини таъминлаш ва унинг самарадорлигини оширишда синф раҳбари зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган. Бу вазифани бажариш ўқитувчидан ғайрат-шижоатни, кучқувватни, сабр-тоқатни ҳамда ижодий изланишни талаб этади.

Ҳар бир синф раҳбари ўз ўқувчиларини ота-боболаримизнинг азалий урф-одатлари, донишмандлиги, олижаноблиги, меҳр-оқибатлилиги руҳида инсонпарвар, софдил, диёнатли, иродали, инсонлар бахт-саодати йўлида қайғурадиган қилиб тарбиялаш учун синф ўқувчилари жамоаси тавсифномасини тўла ўрганиб чиқиб, шу асосда тарбиянинг серқирра усулларидан фойдаланмоғи мақсадга мувофиқдир. Биз кўп йиллик тажрибаларга таянган ҳолда синф ўқувчилари жамоаси тавсифномасини ишлаб чиқдик. Тарбиявий иш юритиш дафтарида синф ўқувчиларининг умумий сонидан тортиб ўғил ва қиз болаларнинг ўқиш сифати, кўп дарс қолдирадиган, ўзлари хоҳламаса-да, бошқалар таъсирида мактабга мажбуран келадиган болалар, ўзлари яхши ўқисалар ҳам, нутқлари яхши ривожланмаган болалар, меҳнатсевар болалар, санъатга қизиқувчи болалар, тарбияси оғир болалар, ота-онасиз болалар , бобо-бувилари, қариндош-уруғлар тарбиясидаги болалар, отаси ёки онаси оғир хасталикка чалинган оилаларнинг болалари, кўп болали оилаларнинг болалари каби бандларда батафсил ифодаланган.

Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи деганларидек, турлича оилаларнинг болаларидан иборат бўлган синф ўқувчилари жамоасида тарбияни бир хилда тўғри йўлга қўйиш мушкулдир.

Туман халқ таълими бўлими услубшунослик кабинети мутахассислари билан келишган ҳолда барча мактабларда синф раҳбарларига ўқувчилар тавсифномасини юқоридаги тартибда ўрганишни маслаҳат бердик. Бу борада яхши кўрсаткичларга эришган синф раҳбарлари оз эмас. Жумладан, ибн Сино номли 24-ўрта мактабнинг 9-синф раҳбари Муҳаммадамин Ниёзов ўқувчилари тавсифномасини ўрганиш орқали отасиз, онасиз ўқувчиларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. У ўқувчиларнинг қизиқиш ва истакларини алоҳида ҳисобга олиб, уларни фанлар бўйича туман, вилоят олимпиадаларида муваффақиятли иштирок эттиришга эришди.

Синф раҳбари 27 ўқувчидан иборат синф жамоасининг кайфияти билан биринчи дарс бошланишидан олдинроқ танишиб, фан ўқитувчиларига ва мактаб раҳбарларига ўз ахборотини етказади.

Синф хонаси — математика кабинети тозалиги, жиҳозларнинг сақланишига алоҳида эътибор берилади. Ўқувчиларнинг дарсга қатнашиши, мактабдаги тарбияси, ота-оналарнинг мактаб билан алоқасини яхшилаш бўйича олиб борган ишлари таҳсинга лойиқдир.

Синф фаоллари, ўқувчилар жамоаси ҳамда ота-оналар билан ўтказилаётган йиғилишларда ўқувчилар томонидан йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар очиб ташланади.

Хуллас, ўқитувчи Муҳаммадамин Ниёзов диққат-эътиборни ўқувчилар таълим-тарбиясига қаратаётганлиги, ота-оналар билан яқин мулоқотдалиги яққол сезилиб турибди.

Ўқувчилар тавсифномасини ўрганиб, ибратли иш олиб бораётган синф раҳбарлари қаторига 18-мактабдан Абдусалим Ҳасанов, 14-мактабдан Камуна Муҳаммадиева, 17-мактабдан Собир Мирзаев, 5-мактабдан Аҳмад Эшов, Ҳазрат Аҳмедов, Қаҳрамон Темуров каби ўқитувчиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ўқитувчилар, шифокор беморнинг касаллик тарихини ўрганиб даволаганидек, ўз ўқувчилари тавсифномасини чуқур ўрганиб, таълим-тарбия соҳасида кўзлаган мақсадларига эришаётирлар.

Р. НАСИМОВ,
Навбаҳор туманидаги ибн Сино номли 24-ўрта мактаб директори, халқ таълими бўлими қошидаги синф раҳбарлари метод бирлашмаси раҳбари.

Дугоналар баҳси. Суратқаш Р. АЛЬБЕКОВ.

ТАҚРИЗ

«ТУРКИСТОН БОСҚИНИ»

Тошкент биринчи тиббиёт институти ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди, айни пайтда тарихчи олим Мажид Ҳасанийнинг янги китоби ана шундай номланган. Асар муаллифининг номи кўп йилдан бери жумҳуриятимиз жамоатчилигига яхши таниш. У яқинда 60 ёшга кирди. Шу давргача муаллифнинг «Садриддин Айний ва Файзулла Хўжаев» (1967), «Ўзбек ва тожик адабий алоқалари» (1968), «Айний чамани» (1991), «Файзулла Хўжаев» (1991), «Садриддин Айний» (1992), «Тарих ошкоралик нигоҳида», «Адиб ҳақида аломат гаплар» сингари монография ва рисолалари ҳамда саккиз юздан ортиқ адабийтанқидий мақола, эссе ва тақризлари босилиб чиққан.

Кейинги йилларда Мажид Ҳасаний тарихнинг «оқ доғлари» ва 30-йиллари ноҳақ қатағон қилинган истеъдодли ижодкорлар Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Шокир Сулаймон, Элбеклар тўғрисида илмий тадқиқотлар олиб борди ва айрим кичик рисолаларни нашрга тайёрлади.

Муаллифнинг «Туркистон босқини» рисоласи 140 йилдан кўпроқ вақтдан бери ўрус ва Туркистон давлатлари тарихчи олимлари ўртасида чигаллашиб келаётган жуда муҳим бир аччиқ ҳақиқатни очиб беришга бағишланганлиги билан диққатга сазовордир. Мазкур рисола Ўрусиянинг Ўрта Осиё давлатларига қонли босқини воқеаларига бағишланган.

Унинг Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олинишига доир илк дадил чиқиши 1989 йилдаёқ кенг жамоатчилик фикрини ўзига тортган эди. Муаллиф республика матбуотида 1989 йилнинг 5 сентябрь сонида босилган «Ўрта Осиё забт этилганми?» номли мунозарали мақоласига қарши «Правда» газетасида (19 сентябрь 1989) «Мурғак қалбларга» деган мақола босилган эди. Унда М. Ҳасанийнинг «Ўрта Осиё Россияга ихтиёрий қўшилган эмас, балки ҳарбий куч билан босиб олинган» деган тўғри фикрини собиқ КПСС Марказий Қўмитаси органи бўлмиш «Правда» рўзномаси қоралаб чиққанди. Халқимизда «ойни этак билан ёпиб бўлмайди», деган нақл бор. Ҳақиқатнинг юзига балчиқ чаплаш билан тарихий ўтмишни, адолатни яшириш мумкин эмас!

Ўрта Осиёнинг руслар томонидан босиб олиниши ҳақидаги бу йилнома материаллари 1909 йилда Тошкентда босилган Туркистон ҳарбий округи штаби нашри материалларидан олинган муҳим тарихий ҳужжатлар асосига қурилган. Дарҳақиқат, XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ва Қозоғистон ўлкаси Россия империяси томонидан ҳарбий куч билан босиб олинган. Бу ҳақда китобда рус босқинчиларининг далиллари, фикрлари келтирилади. Масалан, Россия империяси молия вазири Вишнегородский «Ўрта Осиё рус тожидаги энг қимматбаҳо дур», деб ёзади. Россиянинг ички ишлар нозири Гарчанов «Россиянинг келажаги Ўрта Осиёда» деб қайд этади. В. И. Ленин эса шундай деб ёзганди: «Туркистон мустамлакачиликнинг энг ёрқин намунасидир». Бундай нотўғри қарашлар ҳақидаги фикрлар китобда кўплеб келтирилган.

Рисолада Чор Россияси босқини даврида Туркистон ўлкаси бойликларининг талонторож қилиниши, босқинчилар мамлакатининг фон Кауфман, Скобелев, Куропаткин, Иванов, Черняев, Головачев каби юзлаб генераллари ва зобитларининг ярамас кирдикорлари ҳужжатлар асосида очиб берилган.

«Туркистон босқини» рисоласи қозоқ, қирғиз ва турк тилларига таржима қилиниб, китоб ҳолида нашр этилиши муаллифнинг ютуғидир. Бу китобни ҳозир китоб дўконларидан топиш амри маҳол. Уни катта тиражда қайта босиб чиқариш лозим. Чунки у тарихимизни ўрганишда муҳим манба сифатида аҳамиятга моликдир.

Ашур Али АҲМАД ўғли.

Коса тагидаги нимкоса

«ЭРТАК АЙТИШНИ БИЛАСИЗМИ?»

Тўрт-беш йил олдин бир воқеанинг гувоҳи бўлганман. Ноҳия фирқа қўмитасининг қотиби ишдан бўшади. Бўшашга бўшади-ю кўп ўтмай мактаб директори вазифасини эгаллади.

Дастлабки иш куни. Собиқ «каттакон» мутахассислиги бўйича тарихчи эди. У физика ўқитувчисини ҳузурига чорлади ва:

— Эртак айтишни биласизми? — деди томдан тараша тушгандай.

— Нимайди?

— Биласизми-йўқми, тўғрисини айтинг? — деди раҳбар жиддий оҳангда.

— Ҳа, биламан.

— Бор экансиз-ку. Бўлмаса, гап бундай. 10-синфга дарса киринг, адабиёт маллими касал. Бир бало қилиб 45 минут...

Физика ўқитувчиси раҳбарнинг нимага шама қилаётганини энди тушунди ва зудлик билан синфга йўл олди.

Дарвоқе, бир пайтлар билим даргоҳидан узоқлашиб кетган, юмшоқ курсида ястаниб ўтириб буйруқ беришга одатланган, мутахассислиги ўқитувчи бўлса-да, узоқ йиллар фирқа, шўро идораларида елиб-югурганлар тасодифан ишдан кетадиган бўлса, дарҳол мактаб директорлигига қўйиларди. Агар у келишган аёл бўлса, албатта, болалар боғчасига мудира этиб тайинланиши шарт эди.

Юқоридаги мулоҳазалар қуруқ даъво бўлиб қолмаслиги учун бир директорнинг иш фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтаман. Раҳбар 50 ёшни қоралаб қўйган, узоқ йил ноҳия фирқа қўмитасида йўриқчи, мафкура бўлими мудири вазифаларида ишлаган. Унинг дунёқараши шундай: ҳар қандай вазиятдан қутулиб кетиш, яъни тегирмондан бус-бутун чиқиш.

Раҳбарнинг қўл остида 60 нафарга яқин ўқитувчи ва тарбиячи ишлайди. Улар орасидан бир-иккита бетгачопари ҳам чиқиб қолади. Директор даставвал улар билан келишиб ишлайди. Уларга зарур шарт-шароит яратилади, рағбатлантириш ҳам ўшалардан бошланиб, ўшалар билан тугайди.

Қаҳрамонимизнинг яна бир «ҳислати» бор: райОНО томонидан бериладиган топшириқ ҳар қандай шароитда ҳам уддаланади!.. Мазкур мактаб вакиллари ноҳия марказида бўладиган фанлар олимпиадаси, қушлар, гуллар, ашула байрамлари, йилнинг ҳар чорагида ўтказиладиган ўқувчиларнинг ўзаро беллашувларида фаол иштирок этишади. Баҳсда мутлақ ғолиб бўлмасалар-да, совринли ўринлардан бири ўшаларники. (Директор бу кўрсаткичга эришиш учун унча-бунча маблағ сарфлайди. Ҳакам аъзолари чойхонада меҳмон қилинади... Харажат қули ўқитувчиларга маош тарқатиш пайтида «йиғиштириб» олинади).

Кўргазмали ташвиқот — директорнинг жону дили. Фан кабинетлари, лингафон хонаси, ҳатто коридорлар ҳам керакли-кераксиз диаграмма, кўргазмали воситалар билан тўлдирилади. Мактаб ҳовлисидаги томорқада ҳаёт қайнайди: талабалар она тили, ҳуқуқшунослик, бошланғич ҳарбий таълим, жисмоний тарбия дарс соатларида резавор экинлар, мевали ва манзарали дарахтларнинг остини юмшатадилар, экинларни парвариш қиладилар. Қарабсизки, чоратроф гуллаб-яшнамоқда. Сиртдан қараганда, раҳбар яхши ишлаяпти. Ўқитувчилар даврасида шундай гап-сўзлар қулоққа чалинади:

— Раҳбар ташкилотчи экан-а...

Мактабга комиссия келишидан бир ҳафта олдин «жадвал» тузилади. Шунга асосан тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, илмий бўлим мудири, касаба уюшмаси қўмитасининг раиси навбатчилик қилиб, конспект ёзмаган ва соқолмўйловини олдирмаган муаллимларни дарсга қўймайди. Айни шу кунларда мактабнинг озодалиги ва осойишталиги, ўқитувчиларнинг хушмуомалалиги таъминланади, ўқувчилар ташкилотларининг тадбирларини ўтказишга бутун куч-ғайрат сарфланади. (Яна бир «сир»ни очамиз. Қаҳрамонимизнинг олдиндан башорат қиладиган «хислати» бор. У мактабга қайси куни, қайси соҳа бўйича комиссия келишини олдиндан билади. Негаки, унинг қўлида текширувчилар «графиги» бўлади. Раҳбарнинг бир оёғи райОНОда бўлиб, «келди-кетди»ларнинг ҳисобини олиб туради).

Раҳбарнинг енгил машинаси бор. У ўзининг жиянини (мактабда лаборант бўлиб ишлайди) шахсий ҳайдовчи қилиб ёллаган. Жиян худонинг берган куни райОНО мутасаддиларининг хизматида бўлади. Гоҳ мудирнинг уйида ҳашар бўлса, ўшанга бозор-ўчар қилади, гоҳ ноҳия ҳалқ таълими бўлими бош ҳисобчисининг ўғлини вилоят марказидаги институтга элтиб қўяди. Баъзан вилоят ҳалқ таълими бошқармасидан келган назоратчи ёки ревизорларни меҳмондорчилиқдан сўнг уйларига олиб бориб қўяди.

Мана, ватанпарварликнинг ширин «мева»лари: раҳбарнинг райОНО кенгашларида тили узун бўлади, муаллимларнинг август йиғинларида давранинг тўридан жой олади, ноҳияда ўқитувчиларга учта енгил машина ажратилса, шулардан биттаси унинг жамоасига тегади!..

Дарвоқе, унинг мактабидан юқори ташкилотларга йиллаб бирорта ҳам шикоят тушмайди.

«Шеф»лар қўллаб турганидан сўнг, қаҳрамонимиз ҳам давраларда бировга гапини бермайди:

— Кимсан, қушлар ва ашула байрами вилоят баҳсларида фахрли иккинчи ўринни олган мактабнинг директори бўламан!.. Агар ўша қушларни баҳсдан бир кун аввал бозордан ёки хонадонлардан харид қилиб олмаганимизда, ўша паррандалар ўзимизники бўлганида бор-ми, албатта, биринчи ўрин бизга насиб қиларди. Ҳа!..

Энди медалнинг орқасидаги ёзувни ҳам ўқиб кўрайлик. Ўша мактабдаги болаларнинг 80 фоизи фанлардан аранг «3»га ўзлаштирадилар. Бу ерда ўқувчиларга пухта билим бериш, тўғарак ишини жонлантириш, мактаб ва оила алоқасини мустаҳкамлаш, ҳалол муаллимларни рағбатлантиришга панжа орасидан қаралади. Масалан....

Раҳбар ишдан кейин барча ходимларни бир жойга йиғади. Институтни эндигина битириб келган ёш муаллимни ёмон хулқи билан мактабда «отнинг қашқаси» бўлиб қолган Неъматга адабиётдан чорак баҳосига «икки» чиқарганлиги учун койиб беради:

— Ҳў, йигит, сиз «2» қўйганингиз билан Неъматнинг раҳбарнинг капалаги учиб кетди:

— Ие, сиз фалончининг эри халқ назорати қўмитасининг раиси эканлигини биласизми?

— Ҳа, биламан. Бунга мактабнинг қандай алоқаси бор? — дедим ажабланиб.

— Бор бўлганда қандоқ Бизга гап тегиб қолади. Қўлёзмани райОНОга жўнатамиз. Айбдорларни ўша ерда жазолашади.

Раҳбар йўлини топди. Мақоланинг мақтов қисми рўзнома юзини кўрди, танқидий қисми эса ҳашар пайтида «пахсанинг орқасида туриб лой узатган талаба»нинг ҳолига тушди.

Ғалва бир ҳафтадан кейин бошланди. Директор опа мактабдай улуғ даргоҳга ёмон ният билан борган «бефариштa» мухбирнинг устиданми, ноҳия фирқа қўмитасига арз қилди. Ҳақиқат эгилди... РайОНОнинг кенгайтирилган йиғинида «ҳисоб» беришга тўғри келди. Кенгашда барча мактаб директорлари қатори ноҳия фирқа қўмитасининг тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири ҳам қатнашди.

Биринчи бўлиб сўзни «жабрланувчи» олди:

— 20 йилдан буён мактабга гард юқтирмай келаётгандим. Қайта қуришни ниқоб қилиб олган баъзи мухбирлар мактаб жамоаларининг ички ишларига аралашишяпти. Энди, қайта қуриш экан, деб нима тўғри келса, ёзавериш шартми?! Ўзбошимча, бунинг устига гўйларда ашула айтадиган мухбирнинг (бурноғи йили опанинг қўшнисиникида бўлган тўйда, келин-куёвни табриклаш ниятида бир қўшиқ ижро этгандим. Шуни кўз остига олиб қўйган эканлар) танобини ким тортиб қўяди?..

Муҳокама ниҳоясида мен, яъни муаллифга ҳам сўз берилди. Ўшанда ўтган йигирма йилда мақтовларга кўмилиб келган опага шундай деганим ёдимда:

— Яхши ҳамки ушбу мақола муҳаррирнинг «хушёрлиги» туфайли рўзномада босилмади. Агар мақола чиқиб кетганида ноҳиядан кўчиртириб юборар эканси-да..

Даврада енгил кулги кўтарилди. Фирқа қўмитаси вакили менга бир ола қараб қўйди. Бундан «ҳой, ўзбошимча, роса қовун тушириб қўйдинг-ку, деган маънони ўқиш мумкин эди.

Қаламкаш изоҳи: Бу воқеалар яқин ўтмишимиздан ҳикоялар. Лекин ҳозир ҳам оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтиб кетадиган, қаторда «нори» бўлган директорлар учраб туради. Аммо биз вилоятдаги барча директорлар ўз фойдасига ишбилги, деган хулоса чиқаришдан мутлақо йироқмиз. Мактаб жамоасини катта бир кемага қиёсласак, директор унинг дарғаси. Дарғанинг ўзи маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлса, унда бутун жамоа дастлабки тўфон билан юзма-юз тўқнашувдаёқ ғарқ бўлиши турган гап.

Ҳаёт воқеа-ҳодисаларига очиқ кўз билан қараш борасидаги фикрларимни жамлар эканман, яна ўша мактаб директорининг физик домлага айтган гаплари ёдимга тушаверади:

— Эртак айтишни биласизми?!

Ҳасанбой РУСТАМОВ,
журналистлар уюшмасининг аъзоси.
Андижон вилояти.

ТАҲРИРИЯТДАН: оқни — оқ, қорани — қора дейдиган, ҳамма нарсани ўз номи билан атайдиган замонда яшаяпмиз. Бундай шароитда бетга айтганнинг заҳри йўқ, деган мақолга амал қилмоқ жўялидир. Шундайликка шундайку-я, лекин мақола муаллифи ёзганларида бирон-бир қаҳрамоннинг исм-шарифини аниқ келтирмагани бизни ажаблантирди. Ахир, ошкораликми — дангалчасига ошкоралик бўлиши керак-да. Нима ҳам дердик, қаламкаш дўстимиз бир оз истиҳола қилган кўринади. Лекин шунга қарамай, мақолани ҳеч қандай таҳрирсиз босишни лозим топдик. Негаки... гап эгасини топади.

Газетхон таклифи

АҲИР БУ ҲУЖЖАТ-КУ!..

Ўтган ўқув йилида биз — ўқитувчиларга синф журналларини юритиш ниҳоятда қийин бўлди. Сабаби — синф журналлари икки қисмдан иборат бўлиб, ўқув йили охирида ўқувчиларнинг чораклик ва йиллик баҳоларини жамлаб чиқаришда қатор қийинчиликларни вужудга келтирди. Бундан ташқари, унинг қоғози ҳам жуда сифатсиз экан, ёзувлар иккинчи бетда ҳам кўриниб қолиб ноаниқликлар келтириб чиқарди. Шунинг учун чиқарилаётган синф журналлари аввалгидек йил давомида ишлатиладиган битта журналдан иборат бўлиб, пишиқ қоғоздан тайёрланса, кўнгилдагидек бўларди.

Ўтган ўқув йилида мактаб ҳужжатларидан биттаси бизга жуда маъқул бўлганди. Бу аълочи ўқувчиларга топшириладиган «мақтов ёрлиқ»лардир. Ҳақиқатан ҳам, ана шу «мақтов ёрлиқ»лари қоғози нафис ва гиройли бўлганлигидан унга ёзаётганда ҳузур қиласан киши. Қани энди ўрта мактабни тамомлаш тўғрисидаги «шаҳодатнома»лар ҳам шундай аъло навли қоғоздан бўлса!

Тўғри, бозор иқтисодиёти муносабати билан қоғознинг нархи жуда кўтарилиб кетди. Шундай бўлишига қарамай, мустақил республикамиз бу муаммоларни ечишга қодир, деб ҳисоблайман. Чунки мактабнинг ўқув-тарбия ишларида майда, иккинчи даражали нарсанинг ўзи бўлмайди, шундай эмасми?..

Б. ЭРНАЗАРОВ,
Ғузор туманидаги 4-мактабнинг директор ўринбосари.

Муҳокама учун мавзу

ОТДИР ЙИГИТНИНГ ЙЎЛДОШИ

Суҳбатдошим — оддий улоқчи-чавандоз. Кўпдан бери Оҳангарон туманидаги «Бирлик» ижара жамоаси йилқиларини боқади. Элда тўй-маърака бошланди дегунча кўпкариларда қатнашади, ҳар доим атоқли совриндорлар қаторида юради, теварак-атрофда «Жимми»сидан ўтадиган от йўқ.

Мен Абдумавлон Туроббоевни аввалари ҳам Оҳангарондаги кўпкариларда кўп кўрганман. У ўз «Жимми»си билан улоққа тушдими, кўплар унга ҳавас, баъзи бировлар ҳасад билан қарашади.

— Биринчи марта Паркатнинг Чоллоқтепа деган жойида улоққа тушганимда ўн тўрт ёшли бола эдим, — дея ҳикоя қилади Абдумавлон. — Машҳур Иброҳим чавандоздан улоқни тортиб олиб, даврани икки айланиб, 50 сўм пул, бир буқача ва бир серкага ташлабман, денг. Таниқли чавандозга бақамти келиб, уни доғда қолдирганим учун ўшанда отам изза ҳам қилган.

— Демак, улоқ чопишга болаликдан қизиққан экансизда, — сўрайман Абдумавлондан.

— Учинчи синфда ўқиётганимда от минардим. Отам — Абдусаттор Туроббоев белгили чавандоз эди. Менинг ҳам тўриқ тойчам бўларди. Умуман уйимиздан ҳозиргидай от аримасди. Тўриқ қозиқланмаган, мактабга борсам ҳам орқамдан эргашиб, то дарсим тамом бўлгунча атрофда айланиб юрарди, ёз пайтлари эса ташқарида ётганимда бошимдан кетмасди. Биласизми, от одамга жуда меҳрибон бўлади. Яхши гапириб, эркалаб, ем-емишидан хабардор бўлиб турсангиз, бас, измингиздан чиқмайди. Мактабда ўқиётган болаларимнинг ҳаммасининг ўз тойчоқлари бор, ўзлари қарашади. Ўзимнинг «Ракета» деган отим бор эди. Яқинда Оҳангаронлик Жуманазар Марғозиев олиб кетди. Бу йигитни яхши биламан, 46-мактабда директор. Унча-мунча улоқ чопиб юради. «Отингга тушиб келдим» деди. Юрагимни суғуриб олгандай бердим. Билишимча, мактабида чавандозлик тўгараги очмоқчи экан. «Ракета» эса болаларга жуда ўрганган, шамолдай тез учгани билан жуда ювош. Болалар, ёш чавандозлар кўпайсин, деб бериб юбордим, сафимиз кўпайса яхшида! Ҳозир ўзим чопиб юрган от «Жимми» ўшанинг учинчи боласи. Яхшиси юринг, «Жимми»ни кўрсатаман.

Отхонага чиқдик. Узун сайисхонда, тўриқ, саман, жийрон, чил, тулпор, қорабайир, чўбир ва мен зотларини ҳали билмайдиган отлар боғлиқ турибди. Бир чеккада эса хушсурат «Жимми». Қулоқлари қамишдай. Бизни кўриб, пишқириб кишнаб юборди. Абдумавлон отининг сағрисини силар экан, кўнглидагини тўкиб солди.

— Биласизми, эл орасида машҳур бўлган Парижнинг Эйфель минораси бор, Масковнинг Останкиноси, Оҳангаронинг эса «Жимми»си. Қани энди, мактабларимизда чавандозлик тўгаракларини очилса-ю, бизга ўхшаганларни чақиришса. Шу ҳақда у ер-бу ерда сўз очдим, унчалик эътибор беришмади. Биласиз, бир вақтлар давлат мактабларга тракторлар берган, таълимни яхшилаймиз деб. Аммо ёнилғи ҳам заҳира қисмлар ҳам беришмаган, иккинчидан, мактабда болаларга тракторни ўргатадиган устознинг ўзи йўқ эди. Шу сабаб ҳамма тракторлар кўп ўтмай темиртерсакка топширилди. Ҳозир аксари мактабларда чорва бор. Қани энди, шуларнинг ёнига биттадан от бўлса-ю, жисмоний тарбия дарсларида болалар чавандозликни ҳам ўрганишса...

Абдумавлоннинг отаси, боя айтганимиздек, вақтида машҳур чавандоз бўлган. Ҳозир бу сулолани Абдумавлон билан бирга унинг муаллим укаси Раҳимжон, кичик укаси Абдуҳолиқ, Абдумавлоннинг ўғиллари Абдурасул, Абдусами, Асқаралилар давом эттиришмоқда. Айниқса, фарзандлари ҳозирнинг ўзида чавандозликни барча нозик жиҳатларини ўрганиб олишган.

— Нега отингизнинг лақаби «Жимми»? — сўрайман ундан яна.

— Ҳозир 6-синфда ўқийдиган ўғлим Абдурасул қўйган бу лақабни. Лекин, улоққа ўзим ўргатганман. «Жимми» саккиз йил улоқ чопмаган экан. Уч ойда кўпкарига қўшдим. Аввал яхшилаб қантариб юрдим, кейин улоққа четдан солиб кўрдим. Ўрганиб кетди.

— Вилоятда улоқчи отлар кўп бўлса керак-а? — сўрайман.

— Бор, — дейди Абдумавлон кўзлари чақнаб. — Қорахитойда «Бўян», Тўйтепадаги «Ҳақиқат» жамоасида Отақўзи аканинг жийрони, Одилбек аканинг самани, Уйшинда «Қораялоқ», Пискент ва Бўка районларида «Дўға», «Олмазор», «Бургут», «Қизил қашқа», «Запр» деган ажойиб отлар бор.

— Зўр чавандозлар ҳам кўпдир.

— Бўлмаса-чи! Оққўрғонлик Ўроқ чавандоз, паркатлик Тўрабек чавандоз, янгиқишлоқлик Абдусамад ака, умуман Тошкент вилоятидан Ҳасан ака, Бегимбой ака. Булар анча. Аммо Оҳангаронимизда бир вақтлар донг таратган Абдумўмин чавандоз, Мулла Қўчқор чавандоз, Абдулла чавандоз сингари улоқчилар чиқмаяпти. Абдулла Жўраев ҳозир Оҳангарондаги 34-ўрта мактабда директор... Ҳали айтганимдек, мактабларда от спортини ҳам йўлга қўйиш керак. Биринчидан, болалар қадимқадимдан машҳур чавандозлик санъатини ўрганадилар. Иккинчидан, бу улар учун ўзига хос чиниқиш мактаби вазифасини ўтайди. Учинчидан, болалар қалбида табиат ва ҳайвонот дунёсига меҳр туйғусини тарбиялайди. Биласизми, қадимда Ўзбекистонимизда ҳатто қизлар ҳам уста чавандоз бўлишган. Бир вақтлар Ўзбекистон халқ артисткаси Йўрахон Абдуллаева «Стадионда учрашамиз» фильмини суратга олиш пайтида яхшигина чавандозликни ҳам ўрганиб олганлигини ўша пайтда ғурур ва завқ билан ёзишган эди. Ўзи жуда қизиқ. Отлар эр кишига нисбатан аёл кишига тезроқ ўрганади. Хуллас, қишлоқ мактаблари қошида чавандозлик тўгараклари бўлиши керак.

... Мен бу чавандоз йигит билан суҳбатлашиб, шунга имон келтирдимки, унинг учун от — шижоат тимсоли. ҳаётининг мазмуни, отдан бўлак нарсани гапирмайди, отдан бўлак ҳеч нарсани тан олмайди.

Абдумавлон мени кузатар экан, яна тайинлади:

— Ҳадиси шарифларда нақл этилган, ака, от уч хил иш учундир, деб

Шулардан бири савоб учун экан. Киши уни яхши ниятда ўтлоқда ёки уйида боқса, унга савоб ёзилар экан. От арқони етган жойигача савоб ёзилар экан. Қочиб бирон дарёдан сув ичса, бунга ҳам савоб ёзилади, дейилган. Сиз ҳам от олиб боқинг, насиб этса, ўзим танлаб олиб бераман.

Мўмин ҚАЮМ.
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси

ТАҲРИРИЯТДАН: жумҳуриятимизда сўнгги йилларда рўй берган ўзгаришлар нафақат ўз қалбимизга, балки табиат, наботот, ҳайвонот оламига ҳам янгича назар билан қарашни тақозо этмоқда. Шу маънода журналист Мўмин Қаюм, фикримизча, болаларни мактабда чавандозликка ўргатиш каби миллий анъаналаримизни тиклашдек ғоят муҳим муаммони ўртага ташлаган. Тегишли ташкилотлар, хўжалик раҳбарлари бу ҳақда ўйлаб кўрадилар, деган умиддамиз. Мақола муштарийларимизни ҳам бефарқ қолдирмайди, албатта.

Кутлайманиз!

Ҳурматли отажонимиз Сулаймон ЖУРАБОЕВ!

Сизни, аввало, фарзандларингиз меҳрибон ота сифатида яхши билишади. 29 йилдирки, биз билан бир қаторда юзлаб болалар бошини силаб, уларга илм улашиб келаяпсиз.

Бесамар ўтмаган умрингизнинг 50 йиллиги нишонланаётган кунда Сизга янада шижоат ва соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

Фарзандларингиз номидан ўғлингиз САЙФИДДИН.

МИТТИ ХАНДА

ЧАҚИБ ОЛАДИ

Магазиндан кўйлакча харид қилиб олган Сора хола уни тўрт ёшли набираси Ширмонойга кийгизаркан, тайинлади:

— Мана, дўмбоққинам, кўйлакчанг ўзингга жудаям яраши. Уни тупроқ ўйнаб дарров кир қилиб қўймагин, эски бўлиб қолади. Кўйлакчангнинг нархи чақиб олди-я.

— Вой, ойижон, кўйлакчамнинг нархи қаерингизни чақиб олди, оғритаяптими? — ачиниб сўради Ширмоной ҳам.

Т. ЖУМАНОВ.
Фарғона вилояти.

Ўсмир ва жиноятчилик

КЎЗА КУНДА СИНМАЙДИ

Боғбон фарзанди боғни ҳуш кўрса ёки ўғри болаларининг қўли эгрилиги аён бўлса, қонида бор-да, дейди халқимиз. Азалдан айтилиб келинаётган бу қисқагина таъриф асримизга келиб, олимларнинг не-не ташвишлари эвазига илмий ҳақиқатга айланди. Маълум бўлишича, ота-онанинг нафақат физиологик хусусиятлари, балки руҳий-маънавий жиҳатлари ҳам генлар орқали фарзандларга ўтаркан. Улар эса ўз-ўзидан катталар ҳаёти тарзини узвий давомчилари ҳисобланади. Давомли йўлнинг пок-нопоклиги эса янги авлод дунёга келгунча босиб ўтилган жараённинг қандайлигига боғлиқ.

Болалар ва ўсмирлар жиноятчилигига ҳайрихоҳ бўлиб, айнан шу юмуш билан банд кишиларнинг кўпи билан суҳбатда бўлдим. Улар кўпроқ қандай оилаларнинг фарзандлари жиноятга қўл уришади, деган саволимга деярли бир тусда жавоб қилишди. Қуйида Тошкент шаҳридаги Яккасарой тумани прокурорининг ёрдамчиси Барнохон Орипованинг сўзларини келтираман:

— Кўп ҳолларда жиноятчи ўсмирнинг ота-онаси номаълум бўлади. Болалар уйидан чиққанлар ва ота-онаси жиноятчи бўлган болалар сони улар ичида салмоқли. Иқтисодий ночорликдан бу ишга қўл урганлар ҳам учраб туради. Биз уларни тушунишга ҳаракат қиламиз.

Мазкур фикрдан ойдинлашадики, назоратсиз болакайлар қонунбузарликка кўпроқ мойил бўлар экан. Ҳозир республикада туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасида отаси, онаси деб қўйилган қаторлар бўм-бўш минглаб болалар махсус давлат уйларида улғайишаяпти. Деярли ҳар куни гоҳо йўргакда, гоҳо усиз ўша маконга гўдаклар келаяпти. Етти мучаси соғ бўлган ҳар бир тирик жон бир кун келиб улғаяди. Онгли ҳаёт бошланади. Бордию ўшалар жиноятчи бўлиб чиқса, унинг шу ахлоқи учун кимни сўроқ қиламиз.

Оллоҳнинг ердаги расули Муҳаммад пайғамбар «Зинодан туғилган киши ўзига яхшилик қилган одамга ёмонлик қилмагунча дунёдан кетмайди» деган экан. Давлат шу тахлит фоний дунёга келганларга оталик, оналик қилсаю, улардан кўраётган каромати шу бўлса.

— Ўтган йилнинг 29 августида Яккасарой тумани Расковая кўчасидаги 20-уй ҳовлисидан жиноятчилар уч яшар Давидов Артёмни ўғирлашади, эвазига ота-онасидан 100 минг сўм пул талаб этишади, — дейди Б. Орипова. — Маълум бўлишича, улар Тошкентда истиқомат қилувчи Қаҳрамон Умаров ҳамда Харьков шаҳридан келган Наталья Ситурина ҳамда Наталья Бабенколар экан. Бу иш юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, суд Қ. Умаровни 8, Н. Бабенкони 7, Н. Ситуринани эса 5 йилга озодликдан маҳрум этишга қарор қилди. Учаласи ҳам балоғатга етмаган ўсмирлар.

Хўш, жиноят содир этилди. Унга муносибми, йўқми жазо ҳам белгиланди. Шу билан мазкур ишни хулосалаш яроқлими? Йўқ. Бу бир ташҳиси қўйилмаган ёки нотўғри даволанаётган жамият дардига ўхшайди. Жиноятнинг бу тури неча ёшдалигини билмадим-у, лекин иккала Наталья ҳам, Қаҳрамон ҳам унга қўл урган биринчи ҳам, охиргиси ҳам эмас. Улар шу тарзда ҳаёт кечиришни маъқул топган минглаб кишилар «авлодлари». Ўсмирлар катталардан бу «юмушни» бекаму кўст ўзлаштириб олган. Вақти келиб улардан ҳам кимлардир нусха олмаслиги кафолатини берадиган ҳеч ким йўқ.

Тананинг бирор жойи чиришни бошлаб суякка етса, у ерни кесиб ташлаб дарддан ҳалос этилади. Натижа ногиронлик билан тугайди. Мен юқоридаги каби иллатларни жамиятнинг чиркин бир нуқтаси деб биламан. Бир кун келиб, учала жиноятчи яна озодликка чиқади. Агар улар инсон кўникиши учун етарли бўлган йиллар давомида қамоқхона ҳаёти тарзини бир умрга ихтиёр этсалар-чи? Уларни ўша ер оҳангрободек ўзига чорласа-чи? Яна жиноят содир этилади. «Издошлар» пайдо бўлади. Кўз ўнгимизда жароҳат кўлами кенгая боради. Яхшиямки соғ аъзоларимиз кўпроқ. Гўёки биз жароҳат оғриғини сезмаётгандаймиз. Унинг жафосини тортаётганлар эса озчилик. Бу дарднинг юзини тескари қилсин дейликда, ўйлаб кўрайлик. Жафо чекаётганлар ҳам қачонлардир сизу биздек бехавотир ҳаёт кечирганлар. Улар ҳам туринг ўсмирлар томонидан қилинганлиги, жиноят турларини бу ёшларники, буниси эса катталарники дейишга имкон бермайди. Негаки болалар бевосита бу ишнинг «мутахассислари»дан сабоқ олишади. Иккала тоифа жиноятчиларини фарқлаб турадиган бирдан-бир нарса, бу иқтисодий зарарнинг ўсмирлар томонидан камроқ келтирилиши бўлса керак. Энди кўпроқ ўсмирлар қўл ураётган жиноят турлари хусусида гап кетса, биринчи ўринда ўғрилик туради. Номусга тегиш, спиртли ичимликлар ҳамда гиёҳвандлик билан шуғулланиб турли даҳшатли ҳодисаларни содир этаётганлар ҳам учрайди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш тўғридан-тўғри вазифаси бўлган ташкилотлардан бири — прокуратура ходимларининг бу борадаги ишлари билан яна қизиқаман.

— Бизда ҳисобда турадиган оилаларнинг ота-оналари билан тез-тез мулоқотда бўлиб турамиз. Турли илм-масканларида жиноятчини нималар кутаётганлигини билсин, деган мақсадда ўқувчилар олдида сайёр судлар олиб борилади, — деди прокурор ёрдамчиси.

Билишимча, аввалари ҳам шундай қилинарди. Бироқ 1991 йилга нисбатан 1992 йилда жиноятчиликнинг 5,8 фоиз ошганлигини ҳисобга олсак, бу тадбирлар натижаси ҳам сезиларли эмаслиги аён бўлади. Хўш, ишни, аввало, нимадан бошламоқ керак? Менимча, бир дарддан батамом фориғ бўлиш учун унинг бошланғич нуқтасини топиб, худди ўша ерни бандлаш лозим.

Абдусамат РАҲИМ,
«Маърифат» мухбири.

ОТАЛАР ВА БОЛАЛАР

— Бугун мендан ўқитувчи соннинг энг кичик умумий бўлинувчисини топишни сўради, — деди бола.

— Бўлиши мумкин эмас? — ҳайрон бўлди отаси. — Қизиқ, шу пайтгача ҳам топа олишмабди-да! Уни мен мактабда ўқиб юрган вақтимда ҳам излаб юришган эди-ку!

●

Ғазабланган ота сотувчига телефон қилди:

— Мен ўғлимни икки кило олхўри олиб келишга юборган эдим, у бўлса атиги бир кило олиб келибди. Тарозиларингиз тўғрими ўзи!

— Бизда-ку, ҳаммаси тўғрику-я, лекин сиз ўз ўғлингизни тортиб кўрдингизми?

●

Сайёҳлар қадимги қасрни кўздан кечиришмоқда эди. Экскурсовод уларга бир парча эски кимхобни кўрсатиб деди:

— Бу XVII асрнинг иккинчи ярми.

Шу пайт сайёҳлардан бири сўради:

— Биринчи ярми қани?

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика ўқув-методика Маркази жамоаси ўқув-методика Маркази директорининг муовини Қодирхўжа Фозилхўжаевга онаси

Саодат ФОЗИЛОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг ректорати ва мусиқа факультетининг жамоаси шу факультетнинг декан муовини У. Р. Раҳимовга отаси

Раҳим ҚУРБАНИЕЗОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жумҳуриятдаги турли муассасаларда ишлаётган тилшунос олимлар ҳамкасблари — Бухоро давлат дорилфунуни ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири, профессор Ҳ. Ғ. Неъматовга волидаи муҳтарамалари

Муҳаббатхон ая МИРЗАЕВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Муштарий фикр юритади

ЙЎЛ ҚОИДАСИ— ҲАММАНИНГ ФОЙДАСИ

Бугунги кунда йўлларда транспорт воситаларининг қатнови йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу ҳол, биринчидан, халқ хўжалиги юкларини ва минглаб йўловчиларни ўз манзилларига ташиб катта қулайликлар яратса, бошқа томондан кўча ва йўлларда кўплаб йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқаряпти. Рўй бераётган бахтсиз ҳодисалар туфайли ўнлаб транспорт воситалари ишдан чиқаяпти, юзлаб кишилар, айниқса, болалар ҳаётдан бевақт кўз юмаяпти ёки бир умрга майиб, мажруҳ бўлиб қолмоқда.

Болалар ўртасида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг аксарият қисми уларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмасликлари туфайли рўй бермоқда.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишнинг бирдан-бир йўли мактаб, оила ва кенг жамоатчилик иштирокида болаларда юксак ахлоқийлик, интизомлилик фазилатларини шакллантириш, уларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш орқали ўзи ва ўзгалар ҳаётини сақлашга ўргатишдир.

Шу мақсадда Ўзбекистон ССР Маориф, Ички ишлар, автомобиль транспорти министрликларининг 1986 йил 15 сентябрдаги қўшма коллегияси қарорига биноан жумҳуриятимиздаги умумтаълим мактабларининг 4—8-синфларида йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш 10 соатлик дастур бўйича дарс жадвалидан ташқари ўтилмоқда. Бу машғулотларни умумтаълим мактабларининг 4—8-синф раҳбарлари ўтказади.

Эътиборингизни бир мисолга қаратмоқчиман. Йўл ҳаракати қоидаларида шундай жумлалар бор: Мопед, велосипедни бошқариш 14 ёшга тўлган, йўл ҳаракати қоидаларини пухта билган, ҳайдаш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаси бор болаларга рухсат этилади.

Хўш, йўлда мопед, велосипед бошқариб кетаётган ҳар бир бола йўл ҳаракати қоидаларини пухта билади, ёнида ҳайдаш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаси бор, деб айта оламизми? Ҳаттоки, ҳаваскор ҳайдовчиларнинг кўпчилиги йўл ҳаракати қоидаларини яхши билишмайди.

Энди ўз-ўзидан савол туғилади: дарс жадвалидан ташқари қўйилган бу фанни ўқитувчилар виждонан ўтишига кафолат борми? Аксарият, мактабларимиз икки сменада ишлайди. Йўл ҳаракати қоидаларини ўтаётган синф раҳбарларининг ўзлари бу фанни чуқур билишадими?

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, синф хоналари етишмаслигидан дарслар икки сменада олиб борилса, дарс жадвалидан ташқари бу фанни, ҳар хил мутахассисликларга эга бўлган, синф раҳбарлари чин виждонан ўтаяпти деб, айта оламизми? Мени ҳурматли синф раҳбарлари маъзур тутсинлару, лекин ўз касбининг чин фидойилари бўлмиш ўқитувчиларимиз кўплаб топилади.

Менинг таклифим қуйидагича: йўл ҳаракати қоидалари фан сифатида ўқув сеткасига киритилиб ҳафтасига 1 соатдан ўқитилса, шу жумладан, дарс жадвалига ҳам. (Қисқартирилган дарс соатлари ёки факультатив дарслар ҳисобига бўлса ҳам.). Шундай қилсак, бу фанга ўқувчиларнинг қизиқиши янада ортар эди, шу жумладан, ўқитувчилар ҳам масъулиятни ҳис қилар эдилар. Кейинги таклифим: бу дарсни мутахассис ўқитувчилар ўтса. Даҳоларимиз «Чумчуқ сўйса ҳам қассоби сўйсин», деб бежиз айтмаганлар.

Фикримни давом эттириб шуни айтмоқчиманки, ўқувчилар 8-синфни битиргандан сўнг йўл ҳаракати қоидаларидан имтиҳон топширсалар. Имтиҳонни муваффақиятли топширган ўқувчиларга ДАИ ходимлари билан келишган ҳолда мопед, велосипед ҳайдаш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар топширилса, айни муддао бўлур эди.

Ўқувчилар келажакда ким бўлишларидан қатъи назар, йўл ҳаракати қоидаларини улар онгига яхши сингдира олсак, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олган бўлур эдик.

Эҳтимол, менинг таклифларимнинг баҳс-мунозарали ўринлари кўпдир, сиз бунга нима дейсиз, ҳурматли ҳамкасблар?..

М. ҲАЙИТОВ,
Самарқанд вилояти Челак туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35,

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 18.30.

Г-530. ИНДЕКС: 64595. Тираж 110560. 1 2 3 4 5 6